O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI INV.№

УШБУ СОНДА:
2 ФЕРМЕРЛИКНИНГ ОЙДИН ЙЎЛИ
3 ОТАЛИКНИ БЕЛГИЛАШ ТАРТИБИ: МУАММО ВА ЕЧИМ
4 "БИЛМАГАН ЭМИШ..."
АНТИҚА ВАСИЯТЛАР

MEZON:

Жамғариб бориладиган пенсия бадаллари киритилганлиги тўғрисидаги тўлов ҳужжати нусхасини, шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақлари тартиб рақами, фамилиялар, ҳар бир ходимнинг ҳисоблаб чиқарилган иш ҳақи суммаси, бошқа даромадлари ва жамғариб бориладиган пенсия бадаллари суммаси кўрсатилган ходимлар реестрини иш берувчи ўзи турган жойдаги Халқ банки филиалига ҳар ойда тақдим этиши шарт.

Халқ банки ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган тўлов ҳужжати ва реестр асосида маблағларни шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига ўтказади.

"ФУҚАРОЛАРНИНГ ЖАМҒАРИБ БОРИЛАДИГАН ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ ТЎҒРИСИДА"ГИ ҚОНУН, 15-МОДДА

Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!

ИНСОН ва ҚОНУН

№ 18 (424) 2005 йил 24 май сешанба

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

Сотувда эркин нархда

ЎЗБЕКИСТОН ЎЗ ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИГА ЭГА!

Шу йилнинг 13 май куни Андижонда рўй берган мудҳиш фожиа халқаро терроризм ва диний экстремизмнинг асл башарасини яна бир марта бутун дунёга кўрсатди. Бу диний экстремистик фаолият билан шуғулланувчи, юзаки қараганда, дин ҳимоячиси сифатида кўзга ташланадиган, аслида эса кимларнингдир манфаатларига хизмат қилаётган қўғирчоқ гуруҳларнинг Марказий Осиёни, хусусан, мамлакатимиз ҳудудини сиёсий курашлар майдонига айлантиришга уринаётганидан далолатдир.

Андижонда содир этилган хунрезликлар бундай қабиҳ ниятда юрган манфур кучлар ҳамон ўзининг чиркин мақсадларига эришиш учун ҳар қандай имкониятдан фойдаланиши мумкинлигини кўрсатди.

Шу ўринда нохуш воқеалар рўй бергандан сўнг бу ерда яшовчилар саросимали кунларни ортда қолдириб, яна ўз ишлари билан андармон бўлиб, осуда ҳаётни ўз измига туширишга ҳаракат қилаётган бир пайтда айрим хорижий оммавий ахборот воситалари вакилларининг хатти-ҳаракати ҳар қандай онгли кишини таажжублантирганини айтиб ўтиш жоиз. Чунки улар содир этилган фожиани ўз манфаатларига мос ҳолда нохолис ва нотўғри талқин этишга ҳаракат қилишди.

Бундай бўҳтон-уйдирмадан иборат ахборотларни тарқатиш Ўзбекистоннинг дунёдаги обрў-эътиборини туширишга қаратилган ҳаракатлардан ўзга нарса эмас. Бу ҳақиқатни халқимиз яхши англайди. Қолаверса, бу гапларга оддий мантиқ талаблари билан ёндашилса, ўз-ўзидан қуйидаги табиий саволлар туғилади: Хўш, улар "тинч намойишчи" бўлса, нега милиция бўлинмасига ҳужум қилиб, хизмат вазифасини бажараётган ходимларни отиб ўлдиради? Нега ҳарбий қисмга ҳужум қилиб, кўп миқдорда қурол-яроғ олиб чиқиб кетади? Улар оддий фуқаролар бўлса, қурол ишлатиб, одам ўлдиришга журъат эта олармиди? Ёки кўчада юрган оддий одам томнинг устига чиқиб, снайперлик вазифасини уддалайдими?!

Бу каби жайдари мантиқ бу ҳужумларга узоқ тайёргарлик кўрилган, уларнинг ортида кучли ҳомийлар ва ташкилотчилар турган, дейишга асос бўла олмайдими?!.

Кези келганда баъзи сиёсатчиларнинг ўз демократия моделларини мажбуран мамлакатимизга тиқиштиришга уринаётганини ҳам таъкидлаб ўтиш жоиз. Андижондаги воқеалар бундай хатти-ҳаракатлардан радикал диний экстремистик гуруҳлар пайт пойлаб фойдаланишга ҳар доим шай эканини яна бир бор тасдиқлади. Бошқача айтганда, осойишта ҳаётимизга диний экстремистик гуруҳлар ҳамла қилган ва оғир фожиали оқибатлар келтириб чиқарган бир пайтда юртимизга нисбатан ахборот хуружи авж олди.

Шу маънода Андижон воқеаларига ўз муносабатини билдираётган айрим сиёсатчиларни Ўзбекистонга дўст, деб аташ қийин. Бу фикрни ўзининг асосий бурчи ва вазифаси доимо далилларга таяниб фаолият юритиш эканини унутиб қўяётган айрим журналистларга нисбатан ҳам билдириш ўринлидир.

Демоқчимизки, Андижон воқеалари ҳар биримиз ўзимизга аслида демократия нима, деган саволни беришга, фуқаролик позициямизни яна бир бор аниқ-равшан билиб олишимизга ундади. Шундай саволларга ҳар бир юртдошимиз аниқ жавоб бера олган тақдирдагина ҳар қандай диний ақидапараст оқимлар жамиятимиздан йироқлашиши шубҳасиз.

Ҳозирги пайтда содир этилган воқеалар бир четда қолиб, Андижонда ким текширув ўтказади, деган савол баъзи хорижий сиёсатдонларни қизиқтириб қўйгани ҳам кишини таажжублантиради. Бунга жавобан шуни айтиш жоизки, қонун устувор бўлган, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуриш йўлини танлаган мамлакатда бундай илмоқли саволларга ўрин бўлиши мумкин эмас. Чунки ҳар қандай мустақил давлат бу каби масалаларни ўз қонунчилигига биноан ҳал этади.

Шу ўринда халқаро ҳуқуқий меъёрларга мурожаат этадиган бўлсак, мабодо бирор мамлакатда муайян воқеа-ҳодиса чуқур изланиш ва маҳорат талаб этадиган текширувларни талаб этадиган бўлса, у ҳолда ўша мамлакат аввало, бу масалани ўз имкониятлари доирасида ҳал этишга ҳаракат қилишига ҳақли экани, башарти, бунга муваффақ бўла олмаган тақдирдагина халқаро субъектларга кўмак сўраб мурожаат этиши мумкинлиги кўрсатиб ўтилган.

Шундай экан, халқаро ҳуқуқда кафолатлаб қўйилган меъёрларни бошқалардан кўра яхшироқ билишини даъво қиладиган айрим сиёсатчилар ва "инсон ҳуқуқлари бўйича ҳимоячи"лар нега умумэътироф этилган ана шу тамойилларга ўзлари риоя этишмаяпти?

Мамлакатимиз Бош Прокуратурасида ўтказилган брифингда Президентимиз Ислом Каримов Андижонда халқаро экспертлар гуруҳи текширув ўтказадими, деган мазмундаги саволига жавоб берар экан, давлатимизнинг бу борадаги ёндашувини аниқ-равшан баён қилган эди: *"Ўзбекистон мустақил давлат. У ўзининг ички ишларини ташқи аралашувсиз ҳал эта олиш қобилиятига эга ва бунга қодир"*.

Кези келганда жаҳон парламентчилиги Андижонда рўй берган воқеаларга ўхшаш масалалар юзасидан текшируви ўтказиш борасида ўзига хос тажриба тўпланганига эътибор қаратиш ўринлидир. Мисол учун айтадиган бўлсак, АҚШ Конгресси 2001 йил 11 сентябр воқеалари юзасидан суриштирув ўтказувчи махсус комиссия ташкил этган эди. Россия Давлат Думаси ҳам махсус комиссия тузиб, Бесланда рўй берган террорчилик ҳаракатлари устидан ўз текширувини ўтказган. Ҳар икки ҳолатда ҳам хориждан экспертлар жалб этилмаган эди!

Ўзбекистон парламенти — Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракцияси ҳам ҳам ана шу анъанани давом эттириш, Андижон воқеаларини текшириш бўйича Мустақил Комиссия тузиш ташаббуси билан чиқди ва кеча Қонунчилик палатасининг йиғилишида ана шундай комиссияни ташкил этишга қарор қилинди.

Мустақил Комиссия зиммасига Андижонда рўй берган воқеаларга оид барча ҳолатларни синчиклаб текшириш, воқеа жараёнини чуқур ва ҳар томонлама таҳлил этиш ҳамда фожеали воқеаларни келтириб чиқарган сабаблар, шарт-шароитни аниқлаш каби масъулиятли вазифалар юкланди. Шунингдек, Мустақил Комиссия мазкур фожеали воқеаларнинг асосий сабаб-оқибат боғланишларини, одамларнинг қурбон бўлишига олиб келган жиноий ҳаракатларнинг ортида турган кучларни аниқлашга алоҳида эътибор қаратади.

Мамлакатимиз парламенти номидан иш кўриши инобатга олинган ҳолда, таркибига Олий Мажлис Сенатидан ҳам аъзолар кириши кўзда тутилган Мустақил Комиссия жамиятнинг тинч, барқарор, бунёдкорона тараққиётини хавф остида қолдирган мазкур воқеа қандай қилиб рўй берди, деган саволга рўй-рост жавоб беради.

Таъкидлаш жоизки, ушбу Мустақил Комиссиянинг фаолият бошлаши Ўзбекистон бировларнинг четдан келиб ички ишларига аралашишга уринишларининг халқаро меъёр, тартиб-таомилларга мос эмаслиги, булар Ўзбекистоннинг ички ишига очикдан-очик аралашишни кўзлаган сиёсий мақсад эканини алоҳида таъкидлади.

Юртбошимиз жаҳон сиёсий майдонида оқилона, изчил ва қатъий нуқтаи назарга эга шахс эканини яна бир бора намоён қилиш баробарида мамлакатимиз Конституциясининг 17-моддасида белгилаб қўйилган **"Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларининг тўлиқ ҳуқуқли субъектидир. Унинг ташқи сиёсати давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик, чегараларнинг дахлсизлиги, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик қоидаларига ва халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган бошқа қоидалари ва меъёрларига асосланади"** деган талабга содиқ эканини жаҳон афкор оммасига тўлиқ исботлади.

Таъкидлаш жоизки, истиқлол йилларида мамлакатимизда ижтимоий ҳаёт, давлат қурилиши ва бошқаруви тубдан ислоҳ қилинди. Умуминсоний қадриятлар ва демократик тамойиллар жамиятимизда чуқур илдиз отаётгани боис тарихан қисқа даврда халқимизнинг маънавияти, тафаккури ва дунёқарашида сезиларли ижобий ўзгаришлар юз берди. Бунинг натижасида жамиятни эркинлаштириш жараёни босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Либераллаштириш ҳуқуқий давлат ва очиқ фуқаролик жамияти назариясининг мазмун-моҳиятини ташкил этади. У том маънода турли-туман иқтисодий фаолиятнинг устидан давлат назоратини бекор қилиш ёки камайтиришдан иборат бозор иқтисодиётига тўлиқ ўтиш жараёнида амалга ошириладиган аниқ ислоҳотлар мажмуидан иборатдир.

(Давоми учинчи бетда)

Munosabat

ЭЗГУЛИК ҲАМИША ҒОЛИБ

Ҳозирги пайтда кишилик тараққиёти энг юксак даражага етди. Бугун инсон узоқ сайёраларга қадам босди ва уларни забт этди. Инсон тафаккури чексиз-чегарасиз йўлларда...

Албатта, тараққиёт тарихида икки куч — эзгулик ва ёвузлик кураши азалдан мавжуд бўлган. Эзгулик ғолиб бўлгани сабабли дунё гуллаб-яшнаб келган. Минг афсуски, баъзида дунёвий тараққиёт йўлига ёвуз кучлар ғов қўймоқчи бўлади. Ўзларининг хато йўлларини кўриб-кўрмасликка олади.

Ўзбекистон ҳам дунёвий тараққиёт йўлидан бормоқда. Кўз ўнгимизда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Саноатимиз тараққиёти эса жаҳон саноати тараққиёти билан уйғунлашмоқда. Маданиятимиз, санъатимиз олам бўйлаб шуҳрат қозонмоқда. Юртимиз илм-фани янги-янги кашфиётлар бўсағасида. Ана шундай доруломон кунларда Андижонда юз берган воқеалар, номуносиб ҳаракатлар мени бир ижодкор сифатида ғоят ранжитди. Ўзларини "акромийлар" деб атаган бу гуруҳнинг қилмиши ғазабимни қўзғатди. Бегуноҳ аскарларимизнинг қони тўкилиши, қурбон бўлишини ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди. Ахир, халқимизнинг тинчлиги ва осойишталигини қўриқлаётган бу аскар йигитлар қимнингдир жондан азиз фарзанди, уларнинг ҳам яшашга, орзу-ҳавас кўришга юз чандон ҳаққи бор эди.

Лекин бир ҳовуч ёвуз ниятли кимсалар уларни ҳаётдан бевақт жудо қилди. Хўш, қўли қонга ботган, онги заҳарланган, қилмиши бузғунчиликдан иборат бу кимсаларни қайси виждон билан оқлаш мумкин? Юрагида ғурури бор ҳар бир киши уйига бемаҳал бостириб кирган, оиласи шаъни, қадр-қимматини оёқости қилмоқчи бўлган ёвуз кимсаларнинг бу нопок қилмишига ҳеч қачон бефарқ қараб турмайди. Она Ўзбекистонимиз ҳам шу муқаддас тупроқда киндик қони тўқилган ҳар бир киши учун табаррук. Андижонда бир ҳовуч нопок ниятли кимсалар содир этган ёвузлик ҳар биримизнинг оиламиз, уйимиз, фарзандларимиз ва эртанги кунимизга қаратилган қабиҳликдир. Шу боис ҳам бундай қора қилмиш ҳеч кимни бафарқ қолдирмаслиги керак.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон — тинч тараққиёт, бунёдкорлик ва яратувчанлик йўлини танлаган. Бизни бу йўлдан қайтармоқчи бўлганлар қаттиқ адашади. Эзгулик ҳамиша ёвузлик устидан ғалаба қозонган. Халқимиз тинчлиги ва тараққиётига рахна солмоқчи бўлган ёвуз ниятли кимсалар ҳеч қачон қабиҳ режаларини амалга оширолмайди. Бунёдкор халқимиз ўз йўлида собитқадамлик билан давом этаверади.

Азим СУЮН,
шоир

Bugunning gapi

Андижон шаҳрида рўй берган мудҳиш воқеалар жамиятимиздаги соғлом фикрловчи, тинчликсевар ҳар бир кишини ҳушёр бўлишга ундайди. Бир тўда уюшган жиноятчи-террорчилар илгаридан пухта тайёргарлик кўриб, қабиҳ ниятларини рўёбга чиқаришга уринди. Натижада жиноятчилар бегуноҳ инсонлар, хусусан, хизмат бурчини ўтаётган ҳарбийлар, ички ишлар ва жазони ўташ муассасаларидаги бир гуруҳ ходимларнинг умрига зомин бўлди.

ЖИПСЛАШИШ ВА ОГОҲЛИК ЗАРУРАТИ

Юртбошимиз Ислом Каримов Андижон воқеалари муносабати билан хорижий давлатлар журналистлари билан бўлиб ўтган матбуот анжуманида жиноятчиларнинг кирдикорлари хусусида тўлиқ маълумот бериб, айрим чет эллик журналистларнинг саволларига асосли жавоб қайтарди. Очиқ-ойдин ва холис мулоқотлар ҳеч қандай шубҳага ўрин қолдирмади. Энди тергов идоралари уюшган жиноятчиларнинг қилмишларини фош этувчи инкор этиб бўлмас далилларни тўплаб текширади ва уларни юридик жиҳатдан баҳолаб, судга тақдим этиши тайин. Ишончимиз комилки, ошкоралик ва тортишув тамойиллари асосида суд идоралари жиноятчиларнинг қилмишларини қонунларда белгиланган тартиб-таомиллар асосида юридик жиҳатдан холис баҳолаб, жавобгарлик ва жазонинг муқаррарлигини таъминлайди.

Президентимиз Ислом Каримов 17 май куни Бош прокуратура биносида мамлакатимиз ва чет эл дипломатик корпус вакиллари учун ўтказилган матбуот анжуманида (брифинг) Андижон воқеалари юзасидан айрим давлатлар телевидениеси нотўғри, нохолис, ўйлаб топилган уйдирма хабарларни тарқатаётгани, айрим сиёсатдонларнинг мустақил Ўзбекистон давлати ички ишларига аралашишга уринишларининг халқаро меъёр, тартиб-таомилларга мос эмаслиги, булар Ўзбекистоннинг ички ишига очикдан-очик аралашишни кўзлаган сиёсий мақсад эканини алоҳида таъкидлади.

Юртбошимиз жаҳон сиёсий майдонида оқилона, изчил ва қатъий нуқтаи назарга эга шахс эканини яна бир бора намоён қилиш баробарида мамлакатимиз Конституциясининг 17-моддасида белгилаб қўйилган **"Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларининг тўлиқ ҳуқуқли субъектидир. Унинг ташқи сиёсати давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик, чегараларнинг дахлсизлиги, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик қоидаларига ва халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган бошқа қоидалари ва меъёрларига асосланади"** деган талабга содиқ эканини жаҳон афкор оммасига тўлиқ исботлади.

Таъкидлаш жоизки, истиқлол йилларида мамлакатимизда ижтимоий ҳаёт, давлат қурилиши ва бошқаруви тубдан ислоҳ қилинди. Умуминсоний қадриятлар ва демократик тамойиллар жамиятимизда чуқур илдиз отаётгани боис тарихан қисқа даврда халқимизнинг маънавияти, тафаккури ва дунёқарашида сезиларли ижобий ўзгаришлар юз берди. Бунинг натижасида жамиятни эркинлаштириш жараёни босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Либераллаштириш ҳуқуқий давлат ва очиқ фуқаролик жамияти назариясининг мазмун-моҳиятини ташкил этади. У том маънода турли-туман иқтисодий фаолиятнинг устидан давлат назоратини бекор қилиш ёки камайтиришдан иборат бозор иқтисодиётига тўлиқ ўтиш жараёнида амалга ошириладиган аниқ ислоҳотлар мажмуидан иборатдир.

(Давоми учинчи бетда)

КЕЛАЖАК ЙЎЛИДАГИ СОБИТҚАДАМЛИК

Яқинда бир гуруҳ ёзувчи ва олимлар Навоий вилоятида бўлиб, мактаблар, коллежлар, маҳаллаларда учрашувлар ўтказдик. Ҳамма жойда юртдошларимизнинг Андижон шаҳрида юз берган нохуш воқеаларга огоҳлик ва зийраклик билан баҳо бераётганини кўрдик. Хусусан, ёшларнинг уйғоқ фикрларини тинглаб, уларнинг қайноқ юракларида Ватанга, халққа самимий ва беғубор эҳтиром, янги ҳаётга катта ишонч туйғуларини ҳис этдим. Айниқса, Қизилтепа туманидаги агроиқтисодиёт коллежининг замонавий муҳташам биноси, ундаги турли фанларга мўлжалланган амалиёт хоналари, спорт зали, компьютер хоналарини кўриб, ёш авлод учун ҳукуматимиз томонидан катта имкониятлар яратилаётганидан суюндим. Қани эди, замон бир айланиб қайта яшарсангу шундай коллежларда билим олсанг!

Учрашувларда халқимизнинг кенг феъли, меҳнаткашлиги, иймон ва эътиқоди мустаҳкамлигини ҳар лаҳза сезиб, кўнгил таскин топади. Улар бир тўда ғаламисларнинг Андижонда уюштирган қўпорувчилик ҳаракатини қоралаб, тинч ва хотиржам кунларимизга соя солмоқчи бўлган ҳар қандай иймони суст кимсаларга қақшатгич зарба берамиз, дейишди. Қизилтепа туманида меҳнат фахрийси Қаҳҳор Асадов ўз ҳаётини, бу кунларга етгунча қанча машаққатлар чекиб, не-не чиғириқлардан ўтиб келганини сўзлаб берганда, йиғилганлар сукут сақлаб тинглашди.

— Орамизда ҳали бепарволикка берилган одамлар йўқ эмас. Уларга қўлга киритган озодлигимиз, дину иймонимиз, эркинлигимиз ҳақида кўпроқ сўзлашимиз керак. Мен собиқ тоталитар тузум тазйиқини уч маротаба бошимдан кечирдим. Уч ёшимда отамни "халқ душмани" деб қамаб юборишди. Онамни эса "халқ душмани"нинг хотини деб бадарға қилишди. Мен 71 ёшли бибимнинг қўлида қолдим. Уруш бошланганида 6 ёшли гўдак эдим. Оч қолмаслик учун кунжара шимиб юрардим. "Пахта иши" деган мудҳиш иш чиққанда 12 нафар раисни, туманнинг биринчи раҳбари ва ижроқўмини қамашди. 4 йил ҳибсхона азобини бошимдан кечирганман. Кундуз куни ишга кетаман, кечқурун сўроққа келаман, тонггача турли саволлар бериб, азобга солишади. Битта туман учун бир йилда 3 километр жойни газлаштиришга рухсат тегарди. Ҳозир ҳамма қишлоқларимиз газ, чироқ билан таъминланган. Бу дунёда одамзод фақат қорин учун яшамайди-ку? Аллақандай саводсиз, ислом динини ниқоб қилиб олган тажовузкор тўдаларнинг ярим тунда шаҳар аҳолининг тинчини бузиб, қанча одамларнинг умрига зомин бўлгани ваҳшийликдан бошқа нарса эмас. Тағин баъзи бир хорижий матбуот вакиллари уларнинг ҳаракатини "демократия" учун курашиш, деб баҳолагани нимаси?!

(Давоми учинчи бетда)

Zamonamiz qahramonlari

ЯРАТУВЧИЛИК МЎЪЖИЗАСИ

Мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ислоҳотлардан кўзланган асосий мақсад халқимизга муносиб турмуш шароитини яратиб беришдан иборат. Ота-боболаримизнинг азалий орзусини рўёбга чиқариш учун юртдошларимиз маънавий янгиланиш ва ислоҳотлар жараёнининг фаол иштирокчисига айланишди. Бир сўз билан айтганда, ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги юртдошларимизнинг мақсад-муддаоси бўлиб қолди.

Истиқлол туфайли амалга оширилаётган хайрли ишларда хотин-қизлар ҳам фаол иштирок этаётганига кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Чунки бугун аёл бахтли она бўлиш билан бирга барча соҳаларда ўз қобилиятини намоён этмоқда.

Мисол учун айтадиган бўлсак, Ургут туманидаги Барно Мамадалиева раҳбарлик қилаётган "Галаба" фермер хўжалигини Самарқандда кўпчилик яхши билади. Чорвачилик ва деҳқончиликка йўналтирилган ушбу фермер хўжалиги қисқа вақт ичида тадбиркор аёлнинг саъй-ҳаракати билан шуҳрат топди.

Фермер хўжалиги 17 гектар ер майдонига эга. 33 бош қорамоли бор. Уларнинг 27 боши соғин сигирлар. Хўжалик далаларига беда, ғалла, картошка ва сабзавот экинлари экилади. Фермер хўжалигининг ўн саккиз нафар аъзосига юмушлар тўғри тақсимланган. Аъзоларнинг ҳар бири меҳнатининг самарали бўлиши учун жон куйдиради. Шу сабабли маҳсулот етиштиришда кўрсаткич юқори. Бу ўз навбатида фермер хўжалигининг иқтисоди бақувват бўлишини таъминламоқда.

Биргина ўтган йилнинг ўзида фермер хўжалигининг йиллик маблағ айланмаси 43 миллион сўмни ташкил этди. Йиллик соф фойда 6 миллион 400 минг сўмга тенг бўлди.

Ўтган йили фермер хўжалиги "Тегана бегим болалари" номли хонадон богча ташкил этган эди. Хонадон богчада 60 нафар ўғилқиз тарбияланмоқда. Уларга ўн тўққиз нафар тарбиячи ва энагалар парвона. Эътибор қилинг-а, Ургутдек аҳоли тиғиз туманда бир фермернинг ташаббуси сабабли ўн тўққиз қиз-жувон иш билан таъминланди. Уларнинг тўрт нафари тўлов-шартнома асосида ўз мутахассисликлари бўйича ўрта махсус ўқув юртида фермер хўжалиги ҳисобидан сиртдан таҳсил олмоқда.

— Таълим-тарбия соҳаси мамлакатимизда устувор саналади, — дейди Б.Мамадалиева. — Ахир, ёшлар келажагимиз. Эртанги ҳўжалиги маблағи ҳисобидан кам таъминланган оилалар болаларидан ўн етти нафарининг суннат тўйи ўтказилган.

Азалдан шундай: ота-боболаримиз ўзларидан ортса эл-юртга, қўни-қўшни, маҳалла-кўйга саховат кўрсатишган. Халқимизнинг қадриятлари, ўчмас удум ва одатлари, анъаналари мустақиллик боисигина қайта бўй кўрсатгани шу эмасми?!

Сўнгсўз ўрнида шуни айтиб ўтиш жоизки, ишбилармон фермер Барно Мамадалиева сингари очиқ кўнгил, халқи, эл-юрт ташвиши билан ўзини бирга санаган фидойиларни мамлакатимизнинг ҳар гўшасида учратиш мумкин. Бундайларнинг яратувчилик меҳнати, эзгу ишлари халқимизнинг иродаси метиндек мустаҳкам экани, мақсад-муддаоси юксаклигини кўрсатади. Унинг замирида эса келажак авлод баркамоллиги, Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлигидек бебаҳо туйғулар туриби.

Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

ФЕРМЕРЛИКНИНГ ОЙДИН ЙЎЛИ

Ҳосилбек ака 1998 йили "Чорвадор" хўжалигини ташкил этди. Хўжалик учун 10 гектар ер майдони ажратиб олиб, фарзандларини деҳқончиликка ундади. Ўшанда давлатдан олган катта миқдоридаги кредит эвазига 25 бош соғин сигир сотиб олди, қулайроқ майдонда молхона тиклади. Кўп ўтмай "Т-28" русумли тракторига эга бўлди. Ўша йилнинг ноябридан шартнома асосида сут заводларига маҳсулот топшира бошлади.

Орадан икки йил ўтиб, хўжалик ҳисобига қўшимча равишда яна 10 гектар ер майдони ажратиб берилди. Қорамоллар сони 45 бошга етказилиб, топширилаётган маҳсулотлар салмоғи сезиларли даражада ошди. Бошқача айтганда, янги шаклдаги чорвачилик меҳнат жамоаси тараққиётнинг ойдин йўлига қадам қўйди.

Бугун Ҳосилбек акадан етти ўғил, уч қиз ёдгор бўлиб қолди. Беш йилдирки, оила тўнғичи Султонбой Камолов "Шўрохон" ширкат хўжалигини бошқариб келяпти. Ҳозирда фермер хўжалигига айлантирилган "Чорвадор" жамоасига раҳбарлик масъулияти эса оиланинг яна бир вакили Холбой Ҳосилбеков зиммасига юкланган.

Холбой пахтачилик ва чорвачилик сир-синоатини пухта эгаллаган. Фермерлик ҳаракатини ривожлантиришдаги бой иш тажрибалари эвазига **"Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими"** фахрий унвонига сазовор бўлди.

Бугунги кунда Холбой Ҳосилбеков раҳбарлик қилаётган "Чорвадор" фермер хўжалиги наинки Тўрткўл туманида, балки бутун Қорақалпоғистонда энг номдор чорвачилик жамоаларидан бири ҳисобланади. Айни дамларда хўжаликда 80 бош наслдор қорамол парвариш қилинмоқда. Шундан 35 бошини соғин сигирлар ташкил этади. Хўжаликнинг ўз мулки ҳисобланган "Т-28", "МТЗ-80", "Олтой" русумли тракторлар, "Енисей" русумли комбайни, ўт ўрувчи комбайн ва бошқа механизмлар қўл меҳнатини енгиллаштириб, иш унумини орттирмоқда.

2004 йил фермер хўжалиги учун ғоят баракали кечди. 31 гектар ер майдонидан 38 тонна пахта, 6 тонна буғдой, 40 тонна макка дони етиштирилди. Давлатга 90 тонна сут, 3 тонна гўшт топширилди. Мухтасар қилиб айтганда, хўжалик бир йилнинг ўзида сарф қилинган харажатлардан ташқари, 4 миллион 200 минг сўмлик даромад олди.

— Бу каби ҳур, тўқ ва истиқболли ҳаётни илгари тасаввур ҳам қилолмасдик, — дейди фермер хўжалиги раиси Холбой Ҳосилбеков. — Шукрки, дориломон кунларга етиб келдик. Фермерлик ҳаракати фақат ишнинг янги шаклигина эмас, балки оилавий тотувлик, аҳил-иноқлик ва ҳамжиҳатлик рамзи эканлигига тўлиқ иқрор бўлдим. Ростини айтсам, гоҳо-гоҳо насл-насаби бир бўлган олтмишдан зиёд жон бир қозондан овқат еймиз. Ҳалол меҳнатнинг оши қанчалик ширин бўлишини бу бахтга эришган кишигина ҳис қила олади.

Холбой ҳаёт фалсафасини мана шундай тушунади. Унинг назарида, бахт танҳоликда кечмайди. Шу боис ҳам, фермер хўжалигининг Исмоил Сержонов, Равшан Ҳалимбетова, Гулбаҳор Ўроқбоева, Анвар Юсупов, Султон Камолов сингари фидойи аъзолари қўлни қўлга бериб меҳнат қилишмоқда.

Фермер хўжалиги халқимизнинг ҳимматпарварлик удумларига амал қилиб қишлоқдаги 16-ўрта мактабни ўз оталиғига олган. Хўжалик раҳбари ҳар йилги таъмирлаш ишлари, айрим зарурий ўқув қуроллари, болалар спорт кийимлари ва анжомлари таъминоти, байрам тадбирларининг моддий жиҳати учун ўзини масъул сезади. Ва яна овулдошларнинг катта-кичик тўй-маъракаларида доимо бош-қош...

Жорий йил баҳорида фермер хўжалиги аъзолари яна бир қувончли воқеанинг шоҳиди бўлишди: жамоа раҳбари Холбой Ҳосилбеков фермерларнинг Қорақалпоғистон Республикаси доирасида ўтказилган "Ташаббус-2005" кўрик танловида ғолиб деб топилиб, ун тегирмони билан тақдирланди ва танловнинг Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган республика босқичида муваффақиятли иштирок этди.

Президентимиз Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида фермер хўжаликларини ривожлантиришнинг аҳамияти нечоғлик катта эканини таъкидлади. Қонун кўрсатмалари ва Юртбошимиз маърузаларидан келиб чиқадиган йўл-йўриқлар асосида иш юритаётган "Чорвадор" фермер хўжалиги тараққиётнинг истиқболли йўлидан дадил қадам ташламоқда. Экин майдонларини янада кенгайтириш ва шу орқали етиштирилаётган маҳсулотлар миқдорини кескин ошириш кўзда тутиляпти. Энг муҳими, яқин фурсатлар ичида хўжалик негизида «Ўзбекистон-Исроил» сутни қайта ишлаш қўшма корхонасини ташкил этиш режалаштирилмоқда. Демакки, фермер хўжалигининг келажаги порлоқ.

Тожимурод ЭШМУРОДОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Islohot samarasi

Menda taklif bor...

"ШЕРИКЛИК МАҚОМИ БЕРИЛСА"...

Халқимизнинг "Онангни отангга бепардоз кўрсатма" деган гапи бозор иқтисодиёти билан боғлиқ ривожланаётган реклама соҳасига жуда мос тушади. Чунки маҳсулотнинг харидоргирлигини таъминлашда рекламанинг ўрни беқиёс. Илгарилари рекламага ўтмай қолган товарларни мижозга алдаб сотиш воситаси сифатида қаралган бўлса, ҳозирда ишонч ва кафолат сифатида муносабат билдирилмоқда. Тадбиркорлар ҳам истеъмолчининг ишлаб чиқараётган маҳсулотига бўлган қизиқишини шакллантириш, эътиборини жалб қилиб, қолаверса, корхонанинг обрўсини оширишда рекламанинг аҳамиятини яхши англаб етмоқда. Ривожланган давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, бозор иқтисодиёти ва рақобатни ривожлантиришда рекламанинг ўзига хос жиҳатлари кўп.

Ҳозирги кунда реклама кундалик ҳаётимизга шу қадар чуқур кириб келмоқдаки, уйда, ишхонада, кўчада, жамоат транспортида рекламанинг турли кўринишдаги намуналарига дуч келамиз. Шу ўринда ҳақли савол туғилади: тақдим этилаётган намуналар реклама ва қонун талабларига тўлиқ жавоб берадими? Афсуски, бу саволга ижобий жавоб бериш қийин. Бунинг сабаби аксарият реклама роликлари савияси ва сифатининг пастлиги, бир роликнинг узоқ муддат давомида қайтарилавериши каби бир қатор ҳолатлар билан изоҳланади. Шу ўринда реклама ҳозирда мамлакатимиз иқтисодиётининг энг ёш тармоқларидан бири ҳисобланишини эътиборга олиш лозим. Давлатимиз томонидан рекламага шароит ва имкониятлар яратиб берилаётганига қарамай маҳаллий реклама саноатидаги маҳсулот ва хизматларни қабул қилишда аудитория томонидан баъзи ишончсизлик ҳолатлари ҳам йўқ эмас.

Бундай ҳолатларни бартараф этиш учун реклама тарқатиш жараёнида асосий восита бўлган оммавий ахборот воситалари ишончли ва сифатли хизмат кўрсатиши, реклама берувчи ва харидор ўртасида ўзаро ишончни мустаҳкамлаши учун уларга қонуний равишда савдодаги шерик мақомини бериш лозим, деган таклифни билдирмоқчиман. Ана шундагина оммавий ахборот воситалари реклама берувчиларнинг қонуний ва ишончли ҳамкорига айланади. Қолаверса, томонлар ўртасида айрим низолар келиб чиққанда (масалан, маҳсулот сифатсиз бўлса) мижознинг кўрган зарарини ундириб олишни енгиллаштиради. Бу таклифимга бошқалар ҳам муносабат билдиради, деган умиддаман.

Маҳсума ОРТИҚОВА,
ҳуқуқшунос

Saboq

"АДАШГАН" МАБЛАҒ
у анча қимматга тушди

Мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини янада жадал суръатларда ривожлантириш мақсадида бозор муносабатларини тартибга солувчи тегишли идораларнинг яхлит тизими вужудга келтирилди. Хусусан, банк-кредит тизими мустаҳкамланди, тижорат банклари ва хусусий мулкчиликка асосланган банкларнинг шохобчалари кенгайтирилди. Бундай қулайликларга яна кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Бироқ соҳа мутасаддилари ҳам борки, улар билиб-билмай тадбиркорлар фаолиятига суньий тўсиқ қўйишга ҳаракат қилишади. Қуйидаги мисол шу ҳақда.



"Маҳмуд Худоёр" фермер хўжалиги 2002 йилда "Зарбдор Элеватор" ҳиссадорлик жамиятига 39,5 тонна дон маҳсулоти топширган. Йил мобайнида фермер хўжалигига 152100 сўмлик бўнак ва уруғлик дон берилган. Натижада ҳиссадорлик жамияти фермер хўжалигидан 928369 сўм қарздор бўлиб қолган эди. Бу маблағ "Ғаллабанк"нинг Жиззах ҳудудий бўлими томонидан "Маҳмуд Худоёр" фермер хўжалигига ўтказилиши лозим эди. Бироқ нимагадир ушбу маблағ "Тадбиркорбанк"нинг Зарбдор тумани бўлими томонидан "Ал-Босид" фермер хўжалиги ҳисоб рақамига ўтказиб юборилди.

Бу ҳол "Ғаллабанк"нинг Жиззах минтақавий филиали ходимлари масъулиятсизлиги натижасида юзага келган. Фермер хўжалиги раҳбари Х.Маҳмудов вилоят хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат этгани банк ходимларининг ноқонуний иш тутишгани маълум бўлди. Албатта, банк мутасаддилари суд мажлисида ўзларини оқлаш учун турли баҳоналарни рўкач қилишди. Хусусан, фермер хўжалиги билан банк ўртасида ҳисоб варағи шартномаси тузилмаганини таъкидлашди.

Бироқ суд масалани атрофлича ўрганиб чиқиб, фермер маблағларини ҳисоб рақамига вақтида ўтказиб бермагани учун "Тадбиркорбанк"нинг Зарбдор тумани бўлимига 193766 сўм устама ҳақ тўлаш мажбуриятини юклади. Бундан ташқари, суд ҳайъати давогарнинг асосий қарзини "Ал-Босид" фермер хўжалигидан ундиришни лозим топди. Чунки "Ал-Босид" фермер хўжалиги ўзгалар маблағидан икки йилдан буён фойдаланиб келган.

Шу ўринда суд даъвогар фойдасига жавобгардан 193766 сўмлик устама фоиз ва 371200 сўмлик асосий қарзни ундириш ҳақида ҳал қилув қарори чиқарганини ҳам айтиб ўтиш лозим.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, ноқонуний иш доимо ташвиш келтиради. Бинобарин, банк ходимларининг ноқонуний хатти-ҳаракати банкка зарар етказди. Бундан ҳар бир киши тегишли хулоса чиқариши лозим.

Ш. МАМАТҚУЛОВ,
ҳуқуқшунос
У. ЭРГАШЕВ

Huquqiy himoya

МЕРОС МУЛКЛАРИНИ БЎЛИШ ТАРТИБИ

Мерос мулк ҳуқуқини вужудга келтириш билан бир қаторда ҳуқуқ, бурч ва мажбуриятларни ҳам келтириб чиқаради. Шу боис мерос очилган пайтда ҳаёт бўлган фуқаролар, шунингдек, мерос қолдирувчининг ҳаётлик пайтида ҳомила ҳолида бўлган ва мерос очилгач, тирик туғилган болалари васият ва қонун бўйича меросхўр бўлиши мумкин. Мерос очилган пайтда тузилган юридик шахслар, шунингдек, давлат ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идоралари ҳам васият бўйича меросхўр бўлиши мумкин. Аммо шуни назарда тутиш лозимки, мерос қолдирувчини ёки эҳтимол туғилган мероҳўрлардан биронтасини қасддан ўлдирган ёки уларнинг ҳаётига суиқасд қилган шахслар васият бўйича ҳам, қонун бўйича ҳам мерос олиш ҳуқуқига эга эмас.

Шу билан бир қаторда мерос очилгунга қадар уч йил мобайнида мерос қолдирувчи билан биргаликда яшаган мероҳўрлар мерос таркибидан уй-жой, квартира ёки бошқа турар жойни, шунингдек, уй-жой ашёлари ва рўзғор буюмларини олишда имтиёзли ҳуқуққа эга бўлади.

Меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома мерос очилган кундан эътиборан олти ой ўтгандан кейин мероҳўр ўзига тегиши лозим бўлган меросни ёки унинг бир қисмини олиш ҳуқуқига, агар у кейинчалик меросдан воз кечмаса, ворислик ҳуқуқидан маҳрум этилмаса ва уни мероҳўр этиб тайинлаш тўғрисидаги васият фармойиши ҳақиқий эмас деб топилиши натижасида мерос олиш ҳуқуқини йўқотмаса, мерос очилган вақтдан эътиборан юридик кучга эга бўлади. Мерос очилган жойдаги нотариус томонидан мероҳўрнинг илтимосига кўра унга меросга бўлган ҳуқуқи тўғрисида гувоҳнома берилади.

Қонун ва васиятнома бўйича мерос олинганда, агар нотариус тегишли мол-мулкка ёхуд бутун меросга нисбатан гувоҳнома беришни сўраб мурожаат этган шахслардан бошқа мероҳўрлар йўқлиги тўғрисида маълумотларга эга бўлса, гувоҳнома юқорида кўрсатилган муддат тугамасидан олдин берилиши мумкин. Мероҳўр ўзининг ворисликка чақирилганини билган ёки билиши лозим бўлган кундан бошлаб олти ой ичида меросдан воз кечишга ҳақли. Узрли сабаблар бўлган тақдирда бу муддат суд томонидан кўпи билан икки ойга узайтирилиши мумкин. Меросдан воз кечиши мероҳўр томонидан мерос очилган жойдаги нотариусга ариза бериш орқали амалга оширилади. Агар ишончномада вакил орқали меросдан воз кечиш ваколати назарда тутилган бўлса, меросдан шу тарзда воз кечиилиши мумкин. Меросдан воз кечиш кейинчалик бекор қилиниши ёки қайтариб олиниши мумкин эмас. Мероҳўр меросдан воз кечиши учун ўзига берилган муддат ўтганидан кейин бундай ҳуқуқни йўқотади. Агар мероҳўр мерос қолдирилган мол-мулкни эгаллашга амалда киришган ёхуд уни тасарруф этган ёхуд ўзининг ана шу мол-мулкка бўлган ҳуқуқларини тасдиқловчи ҳужжатларни олиш учун мурожаат этган бўлса ҳам, меросдан воз кечиш ҳуқуқини кўрсатилган муддат тўмасиданоқ йўқотади. Агар мероҳўр васиятнома бўйича ҳам, қонун бўйича ҳам ворисликка чақирилса, у ана шу асосларнинг бири ёки ҳар иккаласи бўйича ўзига тегишли бўлган меросдан воз кечишга ҳақли.

Меросни қабул қилиб олган қонун бўйича мероҳўрлардан ҳар бири ўзлари истаган вақтда меросни тақсимланишини талаб қилиши мумкин. Бунда ўзаро келишувга эришилмасагина, меросни тақсимлаш суд йўли билан ҳал этилади. Шунингдек, ҳозир бўлмаган мероҳўрларнинг ҳам ворисликка чақирилиши ва уларни улушлари ҳам тегишли тартибда ҳал этилиши лозим.

Айрим ҳолатларда мероҳўр меросдан воз кечганида ёки қонун билан белгиланган тартибда мероҳўрлар орасидан чиқиб кетганида, меросдаги унинг ҳиссаси бошқа мероҳўрларга ўтади ва улар ўртасида мутаносиб равишда тақсимланади.

Агар қонун бўйича ҳам, васиятнома бўйича ҳам мероҳўрлардан ҳеч қайсиси ворислик ҳуқуқига эга бўлмаса ёхуд уларнинг ҳаммаси меросдан воз кечса, мерос мол-мулк эгасиз деб ҳисобланади ва мерос очилган жойдаги маҳаллий давлат ҳокимияти идораси ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идорасининг аризаси бўйича мерос очилган кундан эътиборан бир йил ўтгандан кейин суднинг қарори асосида эгасиз деб топилади. Мерос мол-мулк, агар уни қўриқлаш ва бошқариш билан боғлиқ харажатлар унинг қийматидан ошиб кетса, кўрсатилган муддат ўтишидан олдин эгасиз деб топилиши мумкин. Эгасиз мол-мулк у турган жойдаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идорасининг мулкига ўтади, бу идора мол-мулкдан воз кечган тақдирда, давлат мулкига ўтади. Эгасиз мол-мулкни қўриқлаш ва бошқариш юзасидан келиб чиққан харажатлар қонунга мувофиқ ҳал этилиши ҳам назарда тутилган.

Шеркул ҲОЛИҚОВ,
ҳуқуқшунос

Muloqot

"УЛУШ ОЛИШГА ҲАҚЛИ"

Отамнинг номидаги ҳовлида яшаганман. Турмуш ўртоғим билан 20 йил яшаб қонуний ажрашганман. Собиқ хотиним ҳам мерос талаб қилишга ҳақлими? Шу ҳақда батафсил маълумот беришингизни илтимос қиламан.

Турсунпўлат НОРАЛИЕВ
Ангор тумани

— Оила кодексининг 23-моддасига мувофиқ, эр ва хотиннинг никоҳ давомида орттирган мол-мулклари, шунингдек, никоҳ қайд этилгунга қадар бўлажак эр-хотиннинг умумий маблағлари ҳисобига олинган мол-мулклари, агар қонун ёки никоҳ шартномасида бошқача ҳол кўрсатмаган бўлса, уларнинг биргаликдаги мулки ҳисобланади. Бундай мулк эр ва хотин ўртасида ўзаро келишув асосида бўлиб олиниши мумкин. Эр ва хотиннинг мол-мулкини бўлиш тўғрисидаги ўзаро келишуви нотариал тартибда тасдиқланди.

Низо туғилган ҳолларда эр ва хотиннинг мол-мулкини бўлиш, шунингдек, эр ва хотиннинг бу мол-мулкидаги улушини аниқлаш суд тартибида амалга оширилади.

Суд никоҳдан ажрашган эр ва хотиннинг умумий мол-мулкини Оила кодексининг 28-моддасига мувофиқ қуйидагича тақсимлайди:

Эр ва хотиннинг умумий мол-мулкини бўлишда ҳамда уларнинг шу мол-мулкидаги улушларини аниқлашда, агар эр ва хотин ўртасида никоҳ шартномасида бошқача ҳол назарда тутилмаган бўлса, эр ва хотиннинг улушлари тенг деб ҳисобланади.

Суд вояга етмаган болалар манфаатларидан ва эр ва хотиндан бирининг эътиборга лойиқ манфаатини ҳисобга олиб, жумладан, агар эр ёки хотин узрсиз сабабларга кўра, даромад олмаган ёхуд эр ва хотиннинг умумий мол-мулкини оила манфаатларига зарар етказган ҳолда сарфланган бўлса, эр ва хотиннинг умумий мол-мулкидаги тенглигидан чекланишга ҳақлидир.

Эр ва хотиннинг умумий мол-мулкини бўлишда эр ва хотиннинг умумий қарзлари уларга белгиланган улушларга мутаносиб равишда ҳар иккаласи ўртасида тақсимланади. Агар эр ва хотиндан бири умумий мол-мулкни эр ёки хотиннинг эркига зид равишда ва оила манфаатларига мос бўлмаган ҳолда ўз хоҳишига кўра сарфлаган ёки бошқа шахсга тўказган бўлса, уни бўлишда бу мол-мулк ёки унинг қиймати ҳисобга олинади.

Бу қоидалардан келиб чиқиб, собиқ хотинингиз ҳам мерос мулкдан ўз улушини талаб қилиши мумкин.

«ГУВОҲНОМА БЕРИЛАДИ»

Мен 1979 йилдан буён II-гуруҳ ногиронаман. Турмуш ўртоғим ҳам дардманд. Бир нафар фарзандимиз бўлиб, унинг ёши 26 да. Сизга хат ёзишимдан мақсад — бир саволга жавоб топишдир. Гап шундаки, ўғлим 18 ёшга тўлгач, уни туман мудофаа бўлимига чақиришди. Бироқ оилавий шароитимиз, боқувчимиз йўқлигини кўрган ҳайъат аъзолари ўғлимни ҳарбий хизматдан қолдиришди. Улар ҳарбий гувоҳнома берамиз, деганларига ҳам анча вақт бўлиб қолди, аммо ҳалигача беришгани йўқ. 2004 йилдан буён эса бизни чақириб, «135 минг сўм тўлайсизлар, акс ҳолда мол-мулкингизни мусодара қиламиз» деб айтишаяпти. Айтингчи, уларнинг бу хатти-ҳаракати тўғрими?

Ортиқхон МЎЙДИНОВА,
Косонсой тумани

— Сизнинг бу саволингизга жавобан шуни айтиш керакки, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 22 декабрдаги **"Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг сафарбарликка чақирув резервига доир хизматни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги қарорининг 2-бандида қуйидагилар таъкидлаб ўтилган: **"муддатли ҳарбий хизматни ўташга яроқли бўлган ҳамда чақирилиш муддатини кечиктириш ва чақирилишдан озод этиш ҳуқуқига эга бўлмаган, бирор Қуролли Кучлар сафига навбатдаги муддатга чақирилмаган шахслар сафарбарлик чақируви резерви сафига олинади. Кўрсатиб ўтилган шахслар 27 ёшгача сафарбарлик чақируви резерви хизматида бўлади ва уни ўтагандан кейин Қуролли Кучларнинг иккинчи тоифадаги резервига ўтказилади.**

Шунингдек, фуқароларнинг Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган миқдорда пул бадаллари тўлаши ва хизмат даврида бир марта бир ойлик ҳарбий йиғинда хизматни ўташ сафарбарлик чақирувида хизмат қилиш шарт ҳисобланади".

Ушбу қарордан шу нарса маълум бўладики, биринчидан, сизнинг ўғлингизни сафарбарлик чақируви резервига ноқонуний чақирилган, сабаби — ушбу бандга мувофиқ, ўғлингиз муддатли ҳарбий хизматни ўташга яроқсиздир. Яъни оилавий шароити оғирлиги ва ундан бошқа боқувчи йўқлиги бунга асос бўлади.

Иккинчидан, жазо тариқасидаги мол-мулкини мусодара қилиш қонунчиликдан чиқариб ташланган.

Dakki

ЕРНИ АЛДАГАН ЎЗИНИ АЛДАЙДИ

Фермерлик ҳаракати бугунги кунда қишлоқ хўжалиги соҳасида асосий кучга айланиб бормоқда. Лекин шоли курмаксиз бўлмаганидек, бу борада айрим муаммолар ҳам йўқ эмас. Хусусан, Сурхондарё вилояти прокуратураси идоралари томонидан шу йилнинг ўтган даври мобайнида қишлоқ хўжалигига оид қонунчилик ижроси юзасидан ўтказилган текширувлар натижасида бир қатор қонунбузилиш ҳолатлари мавжудлиги аниқланди. Буни қонунга зид хужжатларни бекор қилиш бўйича 13 та протест, қонунбузилишларни бартараф этишга қаратилган 157 та тақдимнома киритилгани мисолида ҳам кўриш мумкин. Қолаверса, 354 нафар шахс қонун бузилишига йўл қўймаслик тўғрисида ёзма равишда огоҳлантирилган.

Шунингдек, ўтган тўрт ой мобайнида 349 нафар шахсга интизомий ва 82 нафар турли лавозимдаги масъул шахсга нисбатан моддий жавобгарлик тўғрисида ишлар қўзғатилган. Бу соҳадаги қонунбузарлик ҳолатлари бўйича 22 та жиноят иши қўзғатилиб, етказилган зарарларнинг 11 миллион 993 минг сўми ихтиёрий равишда ундирилишига эришилди. Судларга келтирилган моддий зарарларни ундириш бўйича 62 миллион 951 минг сўмлик 243 та даъво аризаси киритилган.

"Ерни сайлаганни эл сийлар", дейдилар. Агар фермер ерга меҳр бериб ишласа, эл-юрт олдида юзи ёруғ бўлади. Энг муҳими, меҳнати туфайли даромад олади. Бироқ айрим фермерларнинг ерни алдашга ҳаракат қилаётгани каби ҳолатларнинг учраб турганини ҳам афсус билан қайд этиш лозим.

Жумладан, Олтинсой туманидаги "Пахтакор" ширкат хўжалигининг масъул ходим ва мансабдор шахслари ғўза уруғини етарли даражада димламасдан экишга йўл қўйишган. Бундан ташқари, сеялкаларнинг тўлиқ тозалаб турилмагани оқибатида чигит бир меъёрда ерга қадалмаган. Шунингдек, оила пудрати бошлиғи Бахтиёр Қурбонов 12 гектар, пудратчи Эркин Бўтаев 16 гектар ер майдонини азотли ва калийли ўғитлар билан озиқлантирмасдан чигит эккан. "Оқ олтин" ширкат хўжалиги ҳудудидаги Рамазон Нормуродов бошлиқ оила пудратчилари ер майдонларини чигит экиш учун сифатсиз тайёрлагани етмагандек, 323 гектарлик пахта майдонига 100 килограмм фосфор, 50 килограмм азотли, 25 килограмм калийли ўғитни сепмаган. Олтинсой тумани прокуратураси томонидан ана шу қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш учун "Пахтакор" ва "Оқолтин" ширкат хўжаликлари бошқаруви раисларига тақдимнома киритилди.

Фермерлар ўртасида мақсадли экинлар учун ажратилган ер майдонларидан ноқонуний фойдаланишга уринганлар ҳам йўқ эмас. Масалан, Жарқўрғон туманидаги "Олтиндон қўрғони" фермер хўжаликлари уюшмасига қарашли "Тераказор" фермер хўжалигининг бошлиғи О.Жалолов 2005 йил ҳосили учун пахта экиш лозим бўлган 18 гектарлик ер майдонининг 0,35 гектарига пиёз эккан. Шу тумандаги "Қорасаяк" фермер хўжалигининг бошлиғи Қ.Отақулов ва "Обид Абдухолиқ ўғли" фермер хўжалиги бошлиғи А.Эшмуродов ҳам пахта экишга мўлжалланган жойга шахсий манфаатларини кўзлаб пиёз экишган. Уларга нисбатан туман прокуратураси томонидан маъмурий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатилди.

Шўрчи туманидаги "Баҳодир-1" номли фермер хўжалиги бошлиғи Баҳодир Тиллаев 2005 йил пахта ҳосили етиштириш учун мўлжалланган 6,3 гектарлик ердан нотўғри фойдаланиб, қонунбузарликка йўл қўйган. Чунончи, фермер ўзига бириктилган ернинг 0,20 гектарига картошка, 0,10 гектарига помидор экиб, шахсий манфаатини кўзлаб иш тутган. Яқинда туман прокуратураси томонидан Б.Тиллаевга нисбатан маъмурий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатилиб, ижро қилиш учун туман ер ресурслари бўлимига юборилди. Шунингдек, "Нурафшон" фермер хўжалиги бошлиғи Олим Рашидов ва "Аслиддин-Ҳусниддин" фермер хўжалиги бошлиғи Дўстқобил Бегалиевнинг қонунбузарликка йўл қўйгани аниқланиб, уларга нисбатан ҳам маъмурий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатилди.

Шу туманидаги Ж.Хўжамиёров номидаги ширкат хўжалигининг минерал ўғитлар омбори мудири Жума Қаршиев ўнлаб тонна ўғитларни талон-тарож қилган. Бу қинғирлик хўжаликдаги фермерларнинг ерга ишлов бериш ва агротехник талабларнинг тўла-тўкис бажарилишига тўсқинлик қилди. Гап шундаки, омбор мудири 1 миллион 286 минг сўмлик минерал ўғитларни нафси йўлида сотиб юборган. Ҳозирда Ж.Қаршиевга нисбатан жиноят иши қўзғатилган.

Прокуратура идоралари томонидан олиб борилган текширувларда қишлоқ хўжалигидаги айрим корхона ва ширкат хўжаликларида ишчиларга ойлик маошларини ўз вақтида тўламаётгани бўйича қонунбузарлик ҳолатлари ҳам ўз исботини топди. Масалан, "Денов пахта тозалаш" ҳиссадорлик жамияти томонидан шу корхонанинг 3-сонли ишлаб чиқариш бўлими ишчилари Шуҳрат Жўрақулов 60.889 сўм, Жаҳонгир Тоиров 50.659 сўм, Илҳом Астанов 51.651 сўм миқдоридаги иш ҳақларини ўз вақтида олмаган. Мазкур ҳолат бўйича туман прокуратураси томонидан "Денов пахта тозалаш" ҳиссадорлик жамияти ҳисобидан 20 нафар ишчиларга 1 миллион 123 минг 466 сўмлик иш ҳақларини ундириб бериш тўғрисида фуқаролик ишлари бўйича Денов туманлараро судига ариза киритилиб, бошқарув раиси Б.Ҳамзаев, бош ҳисобчи Й.Тоғаевга нисбатан маъмурий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатилди. Бундан ташқари, қонунбузилиш ҳолатини бартараф этиш учун ҳиссадорлик раиси номига тақдимнома киритилди. Ангор туманидаги "Навбаҳор" ширкат хўжалигида ўтказилган теширувда ҳам хўжаликнинг масъул шахслари томонидан 2004 йил иш ҳақи ҳисобидан 28 миллион 183 минг сўм, 2005 йилнинг январ, феврал, март ойи учун 4 миллион 887 минг сўм — жами 32 миллион 970 минг сўмлик иш ҳақини тўлаш чоралари пайсалга солинган. Мазкур масала юзасидан туман прокуратураси томонидан хўжалик бош ҳисобчиси Х.Муҳаммадиевга нисбатан маъмурий иш қўзғатилди.

Хулоса ўрнида шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бугунги кунда фермерлик ҳаракатининг афзалликлари ҳар томонлама ўз исботини топди. Бу эса айрим сохта фермерларнинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари ана шу қурдратли тўлқин олдида хасчалик аҳамиятга эга эмаслигини кўрсатади.

Бахтиёр ИБОТОВ,
ҳуқуқшунос
Собир ЁДИКОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Bugunning gapi

ЖИПСЛАШИШ ВА ОГОҲЛИК ЗАРУРАТИ

(Давоми. Боши биринчи бетда.)

Мамлакатимизда жамият ва давлатни либераллаштириш кўлами нафақат иқтисодий соҳаларни, шу билан бирга ижтимоий-маънавий ва суд-ҳуқуқ тизимини ҳам қамраб олган.

Биргина жиноий жазоларни либераллаштирилиши натижасида Жиноят кодексидаги инсонпарварлик ва одиллик тамойиллари мазмун-моҳиятига янада аниқлик киритилди. Хусусан, Жиноят кодексининг махсус қисмидаги жиноятлар қайта тоифаланиб, ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар умумий жиноят турларининг тўртдан уч қисмини ташкил этмоқда. Озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни суд амалиётида қўллаш одатий ҳолга айланди. Судьянинг мустақиллиги тўлиқ таъминланди. Судда жиноят ишини кўришда тортишувлик, яъни ҳимоя ва айбловнинг тенглиги асосида ўзаро мувозанат муҳити вужудга келди.

Грек тилидан олинган "демократия" атамасининг мазмунида "demos"-халқ ва "kretos"- ҳокимият, деган маъно мужассам. Бошқача айтганда, унда бир томондан халқ, иккинчи томондан ҳокимият, уларнинг ҳар иккаласи ўртасида мувозанат, барқарор муҳит бўлиши муқаррар, деган ғоя ўз аксини топган. Ҳозирги кунда мамлакатимизда ҳам демократияга содиқлик нуқтаи назаридан ёндашилган ҳолда дунёнинг ривожланган давлатлари қаторидан ўрин эгаллаш йўлида астойдил одимлаётган бир пайтда ислом дини ниқоби остида қуролланган жиноий уюшма таркибидаги кимсаларнинг халифалик қуриш илинжида ўта оғир жиноятчиларни содир этиши мутаассибликнинг бир кўринишидир.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, дин ниқоби остидаги зўравонликлар замирида очиқдан-очиқ сиёсий мақсад ётади. Ислом дини ниқоби остидаги турли-туман жиноий гуруҳлар, жумладан, "Ҳизбут-таҳрир" каби экстремистик, яъни фақат куч ишлатиш, зўравонлик қураш қуроли ҳисобланган "чаласавод диндорлар" аҳолисининг аксарияти мусулмонлардан иборат давлатлар, жумладан, Ўзбекистонда четдан суқилиб кириб, фаолият юритишга уринмоқда. Уларнинг жиноий қилмишларини юридик жиҳатдан тўғри баҳолаш учун давлатлар биргаликда экстремистик фаолият (экстремизм) тушунчасини аниқ ифодалашга киришди.

Маълумки, экстремистик фаолиятга бир неча маънодаги қуйидагича таъриф берилган: **зўравонлик билан давлатда Конституциявий тузумни ва ҳудудий яхлитликни куч ишлатиб ўзгартириш; хавфсизликка путур етказиш; ноқонуний қуролли тузилмалар ташкил этиш, терроризм ёки диний адоват қўзғатиш; шунингдек, куч ишлатиш билан қўрқитиб ижтимоий адоват қўзғатиш; миллий қадр-қимматни оёқости қилиш; мафкуравий, сиёсий, ирқий, миллий ёки диний адоват, нифоқ пайдо бўлиши учун оммавий тартибсизлик ва безорилик ҳаракатларини амалга ошириш; фуқаронинг диний, ижтимоий, ирқий, миллий ёки тилига қараб динга нисбатан муносабатда устунлиги ёки камлигини тарғиб қилиш; юқорида санаб ўтилганларни амалга оширишни молиялаштиришни таъминлаш ёки шунга ўхшаш ҳаракатларни амалга ошириш ёки содир этишда кўмаклашиш, жумладан, қайд этилган фаолиятни амалга ошириш учун молиявий маблағ, кўчмас мулк, ўкув, нашр этиш ва моддий-техник нарсалар, телефон ва бошқа турдаги алоқа воситалари, ахборот хизмати, бошқа турдаги моддий-техник хизмат кўрсатишдан иборат фаолиятдир.**

Кези келганда қайд этиш жоизки, мамлакатимизда **"Терроризмга қарши кураш тўғрисида"ги** қонун (15 декабр 2000 й.) амалда. Андижон шаҳрида ҳам мазкур қонун талаблари доирасида шахс, жамият ва давлатнинг хавфсизлигини таъминлаш, давлат суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилиш, фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувликни сақлаш зарурлигига эътибор қаратилди.

Бундай дейишимизга сабаб Республика Бош прокурори Р.Қодиров матбуот анжуманида иштирок этган чет эл журналистлари ва дипломатик корпус вакилларига Андижонда рўй берган ўта оғир жиноятлар: терроризм, конституциявий тузумга тажовуз қилиш, айбни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш, жиноий уюшма ташкил этиш, оммавий тартибсизликлар уюштириш, гаровга олиш, қонунга хилоф равишда ўқотар қуролларни, ўқ-дори, портловчи модда ва портлатиш қурилмаларини қўлга киритиш каби ўта оғир жиноятлар содир этилганини санаб ўтди. Террорчилар ҳужум қилган объектлардан жами 305 дона қурол-аслаҳани, жумладан, 205 та автомат ва 100 та тўппонча, 231 та гараната ва бошқа қуролларни қўлга киритишдан ташқари қонуний жазони ўтаётган маҳбусларни бўшатиб, уларни ҳам қуроллантириб жамиятда ўта хавфли вазиятни вужудга келтирган. Шундай вазиятда халқаро террорчи ташкилотларни "буюртмасини" амалга оширишга уринган бундай ўта хавфли жиноятчиларнинг ҳаракатига қандай қилиб чек қўйиш керак эди? Уларни тинч аҳоли деб баҳолаш инсофданми?

Ўша пайтда вазият қанчалик хавфли бўлишига қарамай давлатимиз раҳбари бегуноҳ одамларнинг ҳаёти ва соғлиғини, айниқса, гаровда ушлаб турилган шахсларнинг озод этиш, шунингдек, куч ишлатмасдан террорчилик ҳаракатига чек қўйиш мақсадида террорчилар билан бир неча соат давомида музокаралар ўтказган. Аммо террорчилар ўзларининг қилмишларини тўхтатишга рози эмаслигини билдирганидан сўнг жиноятчиларни зарарлантириш борасида қонуний чоралар кўрилган.

Баён этилганлардан шундай хулосага келиш мумкинки, жиноий уюшмалар жамият ва давлатдаги барқарор вазиятга, тинчликка путур етказиш учун очиқдан-очиқ тажовуз қилган дамларда халқимиз давлат раҳбарининг оқилона ва изчил сиёсати, саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаши, энг муҳими, мамлакатимизда амалга ошириладиган ислоҳотлар жараёни билан боғлиқ бунёдкорлик ишларини давом эттириб, тинчлик, барқарорликни сақлашга ҳисса қўшиш зарур.

Мавжуда РАЖАБОВА
юридик фанлари доктори

КЕЛАЖАК ЙЎЛИДАГИ СОБИТҚАДАМЛИК

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Демократия учун қўли ва виждони тоза, маънавий етук одамлар қурашади. Ҳар бир маҳалла, ҳар бир қишлоқда барчамиз ҳушёр бўлиб, содир бўлаётган воқеаларга теран назар ташлайлик.

Олий Мажлиснинг Сенати аъзоси, "Валиобод" ширкат хўжалиги раҳбари Раъно Валиева ёшлар ҳақида қуюниб гапирди:

— Олма дарахти тагига гилос тушмайди, олма тушади. Ёшларимизнинг маънавий қиёфаси ҳақида ҳар бир ота-она ўйлаб кўриши керак. Оёғимиз остида тоза тупроқ турибди. Бизни боқадиган, кийдирадиган ана шу тупроҳимиз олдидаги туз ҳақини унутмайлик.

Учрашувларда туманнинг жонкуяр зиёлилари, "Нуроний", "Маҳалла" жамғармаси фаоллари, маҳалла маслаҳатчилари, хотин-қизлар кенгашлари фаоллари дилидаги гапларини айтишди. Тошработда бўлганимизда ўқитувчи Робия Очилова баъзи ота-оналар ўсмир болаларини ишлаш учун хорижга юбораётгани, уларнинг тақдири билан қизиқаётгани ҳақида куюниб сўзлади:

— Дунёга келган ҳар бир фарзанд учун ота-она Оллоҳ олдида ҳам, жамият олдида ҳам жавобгардир. Суяги қотмаган болаларини бегона қўлларга топшириб қўйган, адашган ота-оналар катта хато қиладилар. Бундай тақдир чорраҳасига ташлаб қўйилган болаларни турли тўдалар қўғирчоққа айлантириб, қўлларига қурол тутқазадилар. Ана шундан эҳтиёт бўлмоғимиз даркор, — деди муаллима.

Абдураззоқ ҳожи Юнусов юртимиздаги дин ва эътиқод эркинлиги, мустақиллик йилларида тикланган, обод этилган қадамжолар, масжид ва мадрасалар, ёшлар учун барпо этилган махсус диний билим юртлари хусусида атрофлича сўзлади.

— Элнинг дуосида гап кўп. Элнинг қарғиши эса тошни ёради. Хунрезлик қилиб, ўз юртига қурол ўқталган, ноҳақ қон тўккан жангарилар элнинг қарғишидан қочиб қутулолмайди. Уларнинг хатти-ҳаракатлари, тутган йўриқлари ислом динига мутлақо бегонадир. Ислом дини дунёдаги энг маърифатли, зиёли дин бўлиб, ҳамиша инсоний солимлик, иймони поклик, хотиржамлик, меҳр-оқибат, Оллоҳга шукроналик, эътиқодда барқарорлик, Ватанни севмоқликни ўргатади. Халқимиз ориятли, номусли, виждонли халқ. У ҳеч қачон фитналарга учмайди, — деб таъкидлади Абдураззоқ ҳожи.

Умуман айтганда, бугун Навоий вилоятида меҳнат қизғин паллага кирган. Деҳқоннинг биринчи ҳосили — пилла давлат хазинасига тушмоқда. Деҳқонлар эрта-индин ғалла хирмонини ҳам кўтаришади. Бу йил ғўзалар талофатсиз ундириб олинди. Меҳнаткаш одамларнинг майда-чуйда ғийбатларга, ҳар хил кўнгилхираликларга тоқати йўқ. Улар юртимизнинг бойлигини кўпайтириш йўлида астойдил ишлаяпти. Ҳар бир навоийлик андижонликлар билан тақдирдош, уларга қайғудош. Элимиз Президентимизнинг сўзларини жон қулоғи билан тинглаб, ўзлари учун хулоса чиқариб олишди. Ҳаммамиз яна бир карра сергак тортдик. Аҳолимиз бир жону бир тан бўлиб, она Ватанимизни гуллаб-яшнатиш, уни кўз қорачиғидай асраш йўлида яшаяпмиз. Мана шу муқаддас бурч юрагимизни, ҳаётимизни, орзу ва хаёлларимизни тўлдириб, бизни қудратли қилиб турибди.

Биз эл ичида юриб матонатли, фидойи, Ватанини, яшаётган юртини севадиган, унинг учун жонини ҳам тикадиган замондошларимиз борлигидан бошимиз кўкка етди. Бахту қувонч ҳам, ташвишлар ҳам яхшиларни бирлаштиради, доно қилади. Донишманд халқ эса муқаддас орзулар, келажак ва эртанги кунлар ҳақи метиндай жипслашади, ҳар бир синовга тайёр туради.

Ойдин ҲОЖИЕВА,
Ўзбекистон халқ шоираси

Huquqiy ma`rifat

ОТАЛИКНИ БЕЛГИЛАШ ТАРТИБИ: МУАММО ВА ЕЧИМ

Мамлакатимизда оталик, оналик ва болаликни ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий жиҳатдан муҳофаза қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Чунки Оила жамиятнинг асосий бўғини бўлиб, унда фарзандлар — эртанги кунимизнинг ҳақиқий эгалари тарбия топиб, улғаяди. Оила кодексида белгиланганидек, никоҳни қайд этиш, туғилиш, оталикни белгилаш ва бошқа фуқаролик ҳолатларини қайд этиш ФҲДЁ идоралари зиммасига юклатилган асосий вазифадир. Албатта, бу вазифани бажариш амалдаги қонун-қоидалар асосида олиб борилади.

Агар оталикни белгилаш ҳолатини оладиган бўлсак, у мазмун-моҳияти билан долзарб масала ҳисобланади. Никоҳда бўлмаган ота-онадан туғилган болага оталикни белгилаш Оила кодексининг 61, 208, 209-моддаларига мувофиқ ота-онаси томонидан биргаликда берилган ариза асосида ФҲДЁ бўлимларида қайд этилади.

Оила кодексининг 62-моддасига биноан оталик суд тартибида ҳам белгиланади. Шу ўринда оталикни белгилаш ҳолати нима учун юз беради, деган саволга туғилиши табиий. Бунга жавобан айтадиган бўлсак, айрим оила қуриб яшаётган фуқаролар қонуний никоҳ қайдини нима учундир шарт эмас, деб ҳисоблайди. Бошқача айтганда, турли хил сабабларни баҳона қилиб, никоҳни қайд этишни ортга суриш, лоқайдлик, ўз ҳуқуқини тушунмаслик кабилар ушбу ҳолатни келтириб чиқаради. Бу ҳолат агар эрхотин ажрашадиган бўлса, турли низоларга сабаб бўлиши мумкин.

Лекин, шуни унутмаслик керакки, оталикни белгиловчи ҳолатларни асоссиз равишда қўшхотинликка олиб бориб тақаш ёки туғилган норасида гўдакни оиладан ташқаридаги фарзанд деб ҳисоблашга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ ва бунга йўл қўйилмайди. Туғилган болага нисбатан туғилишни қайд этиб, оталикни белгилагандан сўнг қонуний равишда никоҳдан ўтганлар ҳам учрайди. Масалан, Тошкент шаҳридаги «Оила Маросимлари Маркази» фаолиятида 2004 йилнинг биринчи чорагида 3 та, шу йилнинг ўтган даврида 4 та ҳолат бўйича оталикни белгилангандан сўнг никоҳ қонуний расмийлаштирилган.

Оталикни белгилашда қуйидаги умумий қоидалар кўзда тутилади: а) оталикни белгилаш ҳолларида оталиги белгиланаётган боланинг ва отанинг ёши чегараланмайди, б) Оила кодексининг 209-моддаси шарҳида 16 ёшга (ФҲДЁ бўйича 1999 йил 12 апрелда қабул қилинган қоиданинг 52-бандида 10 ёшга) тўлган болага оталик белгилаш учун унинг ёзма розилиги бўлиши шарт, в) Туғилганлик ҳақидаги гувоҳномада боланинг ота исми, оталиги белгиланмоқчи бўлган ҳақиқий отанинг исми билан мос келмаса, бу ҳол оталикни белгилашни рад қилиш учун асос бўла олмайди. г) Оталикни ишончнома бўйича белгилашга йўл қўйилмайди.



Тошкент шаҳри ФҲДЁ бўлимларида 2004 йил биринчи чорагида 675 та оталик ҳолати белгиланган, шундан 4 таси суд қарори билан амалга оширилган. Агар бу рақамларни 2005 йилнинг биринчи чораги билан солиштириб, таҳлил қилиб кўрадиган бўлсак, қуйидаги манзара юзага келади. Яъни, бу муддатда 690 та ҳолатда оталик белгиланган бўлиб, бу рақам ўтган йилдагига нисбатан 15 тага камайган.

Ана шу қиёсларнинг ўзиёқ масала ниҳоятда долзарб эканини яққол кўрсатиб турибди. Ҳаётда инсон турли вазиятлар, сир-синоатларга рўбарў бўлиши мумкин. У ҳеч қачон бир қолипда бўлмаган ва бунга ҳеч ким, ҳеч қачон кафолат ҳам беролмайди.

Келинг, баъзида учраб турадиган ҳолатлардан бирини мисол сифатида келтирайлик. Бола қонуний никоҳда турган онадан туғилса-ю, она боланинг отаси бошқа эканини, шунинг учун у ҳужжатларни ёлғиз она сифатида расмийлаштиришни ёки оталикни белгилашни талаб қилса, бундай вазиятда қандай йўл тутиш керак? Бундан ҳолларда ФҲДЁ бўлими қонуний никоҳда турган эрнинг ёзма розилиги билангина аёлнинг талабини қаноатлантириши мумкин. Бундай розилик бўлмаган тақдирда эрни бедарак йўқолгани тўғрисида суднинг қонуний кучга кирган қарори зарур. Агар борди-ю, эр қонуний жазони ўташ муассасасида бўлса, у билан аёл учрашувга бормагани ҳақида жазони ижро этиш муассасидан олинган маълумот илова қилинсагина оталик белгиланиши мумкин.

Амалиётда бундан ҳам мураккаброқ ҳолатлар учрайди. Жумладан, оталикни белгилаш ҳаракатида юрган отанинг паспортида бошқа аёл билан никоҳ қайд этилган тамға турсада, тегишли ҳужжатлар тўлиқ бўлса, оталикни белгилаш мумкин ҳисобланади. Аммо аёл паспортида бошқа фуқаро билан никоҳ қайд этилган тамға турса, оталикни белгилаш мумкин эмас, деб ҳисобланади ёки рад жавоби берилади. Соҳага оид қўлланмаларда бу ҳолатларга тўлиқ ойдинлик киритилмаган. Кўпинча биринчи турмуши бузилган аёл тақдир тақозоси билан эридан ажрашмасдан туриб, маъмурий никоҳдан ўтиб, фарзанд кўрганида иккинчи турмушини номига расмийлаштиролмаслик ҳоллари ҳам учраб туради. Негаки, биринчи ота фарзанд уники эмаслиги тўғрисида нотариал тартибда тасдиқланган аризани ҳар доим ҳам ёзиб беради, дейиш қийин.

Шу муносабат билан амалдаги қонунчилик ҳужжатларининг мазкур ҳолатга тегишли қисмларига айрим ўзгартиришлар киритилиб, соддалаштирилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Яъни, она қонуний никоҳ бекор қилинмасдан туриб, иккинчи турмушидан фарзанд кўрган бўлса, шахсан отаонани биргаликда ФҲДЁ бўлимига келиб, болани тан олиб, берган аризаси оталикни белгилаш учун кифоя қилиши керак. Аризага онани тушунтириш хати илова қилиниши шарт. Шунингдек, амалиётдан шу нарса маълумки, оталик белгиланган йигит-қизлардан туғилганлик тўғрисида гувоҳномадан ташқари турли жойларга оталик белгиланган тўғрисида маълумотлар ҳам бир неча марта сўралади. Шунинг учун ҳам бу масаланинг айрим маънавий-ахлоқий томонларини ҳисобга олиб, оталикни белгилангани ҳақидаги қатъий ҳисобдаги гувоҳномани ёзиш керак, деб ҳисоблаймиз.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, оила жамиятнинг асосий пойдевори, демак, уни янада барқарор бўлишини таъминлашдек муҳим ва савобли ишга ҳар биримиз қўлимиздан келганича ҳисса қўшишимиз ҳам фарз, ҳам қарздир. Зеро, туғилишни қайд этиш, оталикни белгилаш ҳаракати оилавий муносабатларни ҳуқуқий мустаҳкамлигини таъминлашда муҳим мезон эканини асло унутмаслигимиз лозим.

Гулнора ИНОМЖОНОВА,
ҳуқуқшунос

Ishtimoiy himoya

БАҒРИКЕНГЛИК ИФОДАСИ

Ҳаётда қоқилган одамни суяш, ёрдамга муҳтож кишига кўмак бериш, адашганга тўғри йўл кўрсатиш халқимизга хос олижаноб фазилатлардан саналади. Зеро, бундай эзгулик нафақат адашган инсон, балки унинг оиласи, фарзандлари, умуман айтганда, жамият ҳаётида ўчмас из қолдиради.

— Ўтган йил туманимиз бўйича жазони ижро этиш муассасаларидан 52 нафар шахс озодликка чиқарилди, — дейди Данғара тумани ҳокимлиги ҳузуридаги ижтимоий кўникма маркази раҳбари Отабек Норбоев. — Ижтимоий кўникма маркази томонидан улар билан юзма-юз суҳбат уюштирилиб, оилавий шароити, турмуш тарзи чуқур ўрганилди. Ҳар бир шахсга тегишли маълумотлар жамланиб, назорат ишлари йўлга қўйилди. Шунингдек, озод этилганларнинг барчасига ҳаётда ўзларини тиклаб олиш учун моддий ёрдам пуллари берилди.

О.Норбоевнинг таъкидлашича, асосий эътибор уларнинг ижтимоий фойдали меҳнат билан банд этишга қаратилган. Бу борада тумандаги 19 та корхона, ташкилот, муассасаларда жами 62 та иш ўрни ажратилган ва ҳар бир шахсга мақбул келувчи иш таклиф қилинди.

Шу ўринда, яна бир мисолга эътибор қаратсак. 1960 йилда туғилган У.Н. тумандаги Катта оқтепа қишлоғида яшайди. У 2003 йилнинг 21 апрелида туман суди томонидан жиноят кодексининг 276-моддаси 2-қисми "а", "б" бендлари билан айбли деб топилган ва тўрт йил муддатга озодликдан маҳрум этилган. Кейинчалик Косон туман суди томонидан жиноят кодексининг 74-моддасига асосан У.Н.нинг 2 йил 7 ойу 14 кунлик ўталмай қолган жазоси ахлоқ тузатиш иши жазосига алмаштирилиб, озод қилинган. Бу шахс кўп қатори моддий ёрдам билан бирга Х.Худойбердиев номидаги ширкат хўжалигининг қурилиш пудратига ишга жойлаштирилди.

Худди шунга ўхшаш юқорида қайд этилган ўринлар ҳисобига 27 нафар шахс иш билан таъминланган бўлса, озод этилувчиларнинг қолган қисми ўз хоҳишларига кўра, мустақил равишда ишга жойлашишган.

Айни ўринда қуйидаги фикр-мулоҳазалар киши кўнглини банд этади: аввало маҳбусни муддатидан илгари қонуний жазодан озод этилишининг ўзи бағрикенгликнинг энг юксак намунасидир. У озод этилгач, саломатлигини тиклаш, моддий ёрдам олиш, керак бўлса, ишга жойлашишига ҳар жиҳатдан кўмаклашиш ҳаётимизда инсонинг қадр-қиммати улуғланаётгани, жамиятимизда адолат тамойиллари қарор топаётганини англатади.

Хуршид СУЛТОНОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Ajab savdolar

Эндиликда собиқ ҳиосбланган Урганч нефть маҳсулотлари корхонаси директори Ю.Юсупов 2003 йилнинг 4 июн куни Давлат мулк қўмитасининг Хоразм вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи М.Жуманиёзовга расмий хат йўллаб, ўз корхонаси қарамоғида шу пайтгача сотилмай турган мой алмаштириш шохобчаларини Вазирлар Маҳкамасининг ўша йил 17 апрелдаги 185-сонли қарорига мувофиқ белгиланган тартибда савдога чиқаришни сўрайди. Ҳудудий бошқарма нефть базаси раҳбарининг сўровига биноан иш тутади.

"БИЛМАГАН ЭМИШ..."

Бошқа бир қанча объектлар қатори Урганчдаги 3-сонли мой алмаштириш шохобчасини ҳам тегишли тартибда баҳолаб, "кимошди" савдосига чиқаради. Бу ишни Урганч нефть базаси ва Давлат мулк қўмитасининг вилоят ҳудудий бошқармаси ҳамкорликда ҳал этишган бўлса, шохобча жойлашган 1598 квадрат метр саҳнли майдонни ўзининг янги соҳибига ажратиб бериш ҳақидаги масала Урганч шаҳар ҳокимлигида ечимини топди. Анча йиллардан буён шу ерда меҳнат қилиб келаётган фуқаро Исмоил Содиқов шохобчага харидор бўлди ва баҳолаш чоғида нархи 2 миллион 235 минг сўм қилиб белгиланган мазкур объектни "кимошди" савдосида 2 миллион 640 минг сўмга сотиб олди. Шохобча биноси, 5 та резервуар, трансформатор ва бошқа бир қанча жиҳозлар унинг ихтиёрига ўтадиган бўлди. 2003 йилнинг 27 декабр куни шу масала юзасидан "Урганчнефть базаси" унитар корхонаси иштирокида Давлат мулк қўмитасининг вилоят бошқармаси билан 36-сонли олди-сотди шартномаси тузилди. Урганч шаҳар ҳокимлиги эса мазкур шартномага асосан 2004 йилнинг 23 сентябрида 557-сонли қарорини чиқариб, ер-мулк жойлашган 1597,98 квадрат мерт саҳнли майдонни тадбиркор ихтиёрига берди.

Ҳаммаси рисоладагидек бўлди. Сотувчи таклиф этди, нархини белгилади, харидор савдолашди, баҳосига кўнди. Болғача урилди — мулк сотилди. И.Содиқовнинг "Исмоил Содиқ" хусусий фирмаси шохобчанинг янги эгасига айланди. Рўйхатдан ўрин олган мол-мулк, жиҳозлар ҳамда ер майдони давлат тасарруфидан чиқарилиб, мулк эгасига топширилди. Тадбиркор енг шимариб, ишга киришди.

Буёғини сўрасангиз, ўша пайтда ишга киришган "Исмоил Содиқ" фирмасининг ёлғиз ўзи эмасди. Гарчи мой алмаштириш шахобчаси сотилиб кетган бўлса-да, унинг ёнгинасидан 3-сонли ёнилғи қуйиш станцияси ҳамон ўз харидорини кутмоқда эди. Ниҳоят, ёнилғи қуйиш шохобчасига ҳам "бахт кулиб боқди". 2004 йил якунида у ҳам эгалик бўлди. Ўша йилнинг август ойида ўтказилган навбатдаги "кимошди" савдосида ғолиб чиққан яна бир омадли тадбиркор Бахтиёр Янгибоевга шахобча жойлашган 8559,51 квадрат метр саҳнли майдон ажратиб бериладиган бўлди.

Афсуски, ҳамма можаро ана шундан сўнг бошланди. Воқеаларнинг бари битилган ва кейин битилган расмий ҳужжатларга бориб тақалди.

Урганч шаҳар ҳокими вазифасини бажарувчи Б.Курбоновнинг 2004 йил 15 декабрдаги 757 сонли қароридан кўчирма: **"1. Урганч шаҳар ҳокимининг 2004 йил 23 сентябр 557 сонли қарорининг 1-бандида кўрсатилган Урганч шаҳар "Исмоил Содиқ" хусусий фирмасининг Гурлан кўчасида жойлашган мой алмаштириш шохобчаси ва унинг фойдаланишидаги жами 1597,9 кв.метр ер майдони 112,8 кв.м деб ўзгартирилсин.**

2. Урганч шаҳар Ер, бино ва иншоотлар давлат кадастри бошқармасига Урганч шаҳар "Исмоил Содиқ" хусусий фирмаси номига ишланган кадастр ҳужжатларига ўзгартириш киритиш топширилсин".

ЭСЛАТМА: Дарҳақиқат, шаҳар кадастр бошқармаси муқаддам 1597,9 квадрат метр майдонни "Исмоли Содиқ" хусусий фирмасига ажратиб беришга доир ҳужжатларни тайёрлаб берган ва бунда "Урганч-нефть" корхонаси томонидан ҳудуднинг майдони ҳақида берилган маълумотнома ҳамда ер чизмасига асосланган, бошқармада тадбиркор номига 119080 рақамли гувоҳнома ҳам расмийлаштирилган эди. Ушбу гувоҳномада шахобча ҳудуди айнан 1597,9 квадрат метр экани расман эътироф этилган эди.

Англаган бўлсангиз, ҳамма гап 1597,9 дан 112,8 квадрат метрга тушиб қолган мой алмаштириш шахобчаси устида бормоқда. Томонлар ўртасида пайдо бўлган мулкий низонинг илдизи ҳам ана шу ерда. Гап шундаки, ҳокимнинг кейинги қарорига биноан тадбиркор Б.Янгибоевга ажратиб берилган 8559,1 квадрат метр майдоннинг 1485,8 квадрат метрини ушбу ҳокимликнинг муқаддам чиқарган 557-сонли қарорига мувофиқ ишбилармон И.Содиқов тасарруф қилиб келган. Шундай қилиб, битта майдонга иккита хўжайин пайдо бўлган. Мулкни аввал сотиб олган тадбиркор уни "бермайман" деса, кейин харид қилган ишбилармон "оламан", дейди. Шу тахлит масала чигаллашгандан-чигаллашди.

(Давоми тўртинчи бетда)

Jahon tajribasi

Швецария ҳуқуқ тизими бир қатор ўзига хос хусусиятлари билан бошқа давлатлар қонунчилигидан ажралиб туради. Аввало Швецария федерация тузилишига эга давлат бўлгани учун ҳар бир кантон (вилоят) алоҳида қонунларга эга. Мисол учун айтсак, 23-кантоннинг ҳар бири ўз Фуқаролик процессуал кодекси ва "Суд тузилиши тўғрисида"ги қонунига амал қилади. Шу билан бирга фуқаролик процессуал ҳуқуқининг айрим меъёрлари Швецария Фуқаролик кодекси ҳамда бошқа қонун ҳужжатларида ҳам ўз аксини топган.

ШВЕЦАРИЯ СУД ТИЗИМИ

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, Швецария фуқаролик юрисдикцияси бўйича нафақат умумий, балки ҳар бир кантонда ўзига хос хусусиятларга эга бўлган кўплаб ихтисослаштирилган судлар ҳам фаолият кўрсатади. Масалан, Бёрн, Цюрих, Сент-Галлен ва Адргау кантон (вилоят)ларида айрим фуқаролик ҳуқуқий даъволар савдо ҳуқуқи судларида кўрилади.

Бундан ташқари, Женева, Во, Цюрих, Невшател, Бёрн, Люцерн, Базель Городской, Сент-Галлен, Адргау, Тичино ва Жюрд кантонларида эса меҳнат низоларини кўрувчи судлар мавжуд. Айрим кантонларда (Женева, Цюрих) турар жойларни ижарага бериш ва ижара пули билан боғлиқ бўлган низоларни ҳал этиш ваколатига эга бўлган ихтисослашган судлар ҳам фаолият кўрсатади.

Сент-Галлен кантонида эса ҳунармандчилик билан шуғулланувчилар, хусусан, кашта тикиш саноатидаги меҳнат низоларини кўрувчи махсус суд фаолият олиб боради.

Бунга Цюрих кантонида қишлоқ хўжалиги соҳасидаги низоларни ҳал қилишга ваколатли бўлган қишлоқ хўжалиги ҳакамлар суди ва Аппенцел кантонида кўчмас мулк юзасидан келиб чиққан келишмовчиликларни ҳал қилувчи суд фаолиятини ҳам қўшимча сифатида айтиб ўтиш лозим.

Шунингдек, Швецария судларида адвокат фаолияти ҳам ўзига хос тартибда олиб борилишини айтиб ўтиш жоиз. Яъни мамлакатда фуқаролик ишларини кўришда адвокатнинг иштироки мажбурий ҳисобланмаса-да, лекин амалиёт шуни кўрсатадики, тарафлар моддий ва процессуал ҳуқуқнинг мураккаблиги сабабли унга албатта, мурожат қилади. Шу маънода адвокат судда тарафларнинг вакили сифатида қатнашишда етакчи мавқега эга ва у ўз фаолиятини тегишли қонун асосида амалга оширади.

Қонунчиликка биноан адвокат махсус лицензия асосида барча кантонларда фаолият юритиши мумкин. Лекин Швецария Фуқаролик процессуал кодексининг 52-моддасига биноан Базел кантонида мазкур қоидага амал қилинмайди. Чунки бу кантонда адвокатларга судларда ихтиёрий вакил сифатида катнашишга рухсат этилган.

"Суд тузилиши тўғрисида"ги Федерал қонуннинг 29-моддасига мувофиқ фуқаролик ишлари бўйича вакилликни фақат патент олган адвокатлар ва Швецария университетларининг ҳуқуқшунослик фани муаллимлари амалга ошириши мумкин. Судларга ихтиёрий вакил сифатида қатнашишга рухсат этилган, фақат кантонлар даражасида бошланган суд низолари бундан мустаснодир. Фуқаролик иши бўйича тарафнинг профессионал бўлмаган вакили Федерал судда фақат ўз кантонида келиб чиққан ишларни олиб бориши мумкин. Бу қоида ишларнинг тез ва сифатли кўрилишини таъминлайди.

Хулоса сифатида айтсак, Швецария суд-ҳуқуқ тизимида ўзига хос тажриба тўпланган. Бу ушбу мамлакат суд тизими аҳолий менталитетига боғлиқ ҳолда ривожланганининг исботидир.

Комила НАСРИДДИНОВА,
ҳуқуқшунос

“БИЛМАГАН ЭМИШ...”

(Давоми.
Боши учинчи бетда)

“Урганч-нефть” корхонасининг собиқ бош муҳандиси С.Паноев ва собиқ бош ҳисобчиси К.Бекчонов томонидан имзоланиб, муҳрланган оддийгина маълумотнома катта можарони юзага келтирди. Таъкидлаш жоизки, ушбу ҳужжатга мувофиқ иш кўрган шаҳар ҳокимлиги тадбиркор И.Содиқовга сатҳи юқорида қайд этилган ер майдонини берди. Минг афсуски, айнан шу ҳужжат пировардида тадбиркорни ердан маҳрум этиш воситасига ҳам айланди.

Собиқ бош ҳисобчи К.Бекчоновнинг Урганч туманлараро фуқаролик суди судьяси Ш.Собирова томонидан бошқарилган суд мажлисидаги кўрсатмасидан кўчирма: **“— Урганч нефтбазаси бош муҳандиси С.Паноев ва бош ҳисобчи К.Бекчонов (яъни мен) имзоси билан судга тақдим қилинган маълумотнома ҳуқуқий кучга эга эмас. Чунки И.Содиқов бу маълумотнинг асл нусхасини судга тақдим қилолмаяпти. Маълумотномага бурчак штампи қўйилмаган, қайд этиш дафтарида расмийлаштирилмаган”.**

Собиқ бош муҳандис С.Паноевнинг суддаги кўрсатмасидан кўчирма: **“И.Содиқов томонидан судга тақдим этилган маълумотномадаги имзо ўзимники. Лекин И.Содиқов маълумотномани айрим ҳужжатлар билан бирга қўшиб киритиб, имзо қўйдирган бўлиши мумкин. Ҳар куни сонсаноқсиз ҳужжатларга имзо чекаман. Уни ким киритганини билмайман. Шахобчага ажратилган ер майдони тўғрисида маълумотнома бериш ҳуқуқига эга эмасман”.**

Давлат мулк қўмитаси вилоят бошқармаси бўлим бошлиғи Р.Машариповнинг изоҳи: **“Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 9 мартдаги қарори 5-иловасига киритилган Низомнинг 14-бандига асосан давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастурига киритилган субъектларни қарор чиққан кундан бошлаб, бошқа шахс номига ўтказиб бериш, тугатиш, қайта ташкил қилиш таъқиқланган. Мой алмаштириш шахобчаси ана шу қарорга асосан 3-сонли АЁҚШ билан бирга қўшиб сотилиши керак эди. Лекин И.Содиқов шу мой алмаштириш шахобчасида кўп йиллар ишлаб келганини инобатга олиб, объектни арзон баҳода “кимошди” савдоси орқали унинг ўзига сотдик. Мулк қўмитаси ерни эмас, мулкларни сотувга чиқарган”.**

Фуқаролик кодексининг 482-моддаси талаби: **“Бино, иншоот ёки бошқа кўчмас мулкни сотиш шартномасига биноан сотиб олувчига бундай кўчмас мулкка эгалик ҳуқуқини топшириш билан бир вақтда, ушбу кўчмас мулк жойлашган ва ундан фойдаланиш учун зарур бўлган ер участкасининг муайян қисмига бўлган ҳуқуқлар ҳам топширилади”.**

Ва, ниҳоят, фуқаролик ишлари бўйича Урганч туманлараро судининг 2005 йилнинг 7 апрелдаги қарори:

“Даъвогар Янгибоев Бахтиёр Тожибоевичнинг жавобгари “Исмоил Содиқ” хусусий фирмасига нисбатан ноқонуний эгаллаган мулкни қайтариб олиш ва ноқонуний қурилган пахса деворни жавобгар ҳисобидан бузиб ташлаш ҳақидаги даъвоси қаноатлантирилсин.

Жавобгар “Исмоил Содиқ” хусусий фирмасидан Янгибоев Бахтиёр Тожибоевич фойдасига унга тегишли бўлган ҳожатхона, ўт ўчириш ҳовузи, электротрансформатор ва улар жойлашган 1485,1 кв.м ер майдони олиб берилсин.

Ноқонуний қурилган пахса девор жавобгар “Исмоил Содиқ” хусусий фирмаси томонидан бузиб ташлансин.

Жавобгар “Исмоил Содиқ” хусусий фирмасининг Янгибоев Бахтиёр, ЎзР. Давлат Мулк қўмитаси Хоразм вилояти бошқармаси, “Ўзнефтемаҳсулот” акциядорлик компанияси, Урганч шаҳар ҳокимиятига нисбатан ўзўзидан ҳақиқий бўлмаган битим ҳақиқий эмаслигининг оқибатларини қўллаш тўғрисида ва Урганч шаҳар ҳокимининг 15.12.2004 йилдаги 757-сонли қарорини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги қарши даъвоси рад қилинсин.

“Исмоил Содиқ” хусусий фирмасининг қонуний вакили Саидов Давроннинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари юзасидан хусусий ажрим чиқарилсин...”.

Хулоса ўрнида: юқоридаги далиллардан шуни англаш мумкинки, собиқ “Урганч нефть” корхонасининг икки нафар ваколатли ходими имзоси ва корхона муҳри қўйилган маълумотнома ҳамда сотилажак шахобчанинг чизмаси охир-оқибатда бир-бирига зид иккита қарамақарши қарорнинг чиқарилишига, 3-сонли мой алмаштириш шахобчаси Вазирлар Маҳкамаси қарорига хилоф равишда савдога қўйилишига, саҳни 1485,1 кв.м.дан иборат ер майдони бўйича томонлар ўртасида низо туғилишига ва пировардида ҳар иккала шахобча фаолияти издан чиқишига олиб келди.

Шу ўринда воқеалар ривожини яна бир карра эсга олинг: 3-сонли мой алмаштириш ва ёқилғи қуйиш шахобчаси “Урганч нефть” (собиқ) корхонаси ҳамда Давлат мулк қўмитаси вилоят худудий бошқармаси томонидан савдога қўйилди. Уни иккала тадбиркор ҳалол рақобат асосида сотиб олди, мулк жойлашган ҳудуд эса шаҳар ҳокимининг қарорига биноан ажратиб берилди. Хўш, бунга ким айбдор? Нефт маҳсулотлари корхонасида масъул мансабдор шахс лавозимида ишлаган собиқ бош муҳандис С.Паноев, собиқ бош ҳисобчи К.Бекчоновнинг судда тадбиркорлар тақдирини ҳал этган муҳим ҳужжат — ер майдони ҳақидаги маълумотномага билмай ва ваколатга эга бўлмай туриб имзо чекибмиз, дея кўрсатма беришганини қандай тушуниш керак?

Масъулият ва масъуллик, давлат ва халқ манфаатлари камарбасталик ҳисси қаерда қолди? “Анқов”-лик ҳам эви билан-да, “ёшулли”!

Абдулла СОБИРОВ,
“Инсон ва қонун” мухбири

Ajab savdolar

Dunyoning ihslari

Аслини айтганда, бу ҳаёт турли хил ғаройиб воқеа, саргузашт, кечинма ва ғайритабиий ҳодисалар билан қизиқарлидир.

Ўрни келганда яна шуни айтиш керакки, ҳар бир киши бу дунёда қандайдир сирли умр кечиришни истайди. Йўқ, буни худбинликка йўйиб бўлмайди. Зеро, одам боласининг бу дунёга келиши, қисқа муддат умргузаронлик қилиши ва ниҳоят, ўлими ҳам ҳали тугал англанмаган хилқатдир.

АНТИҚА ВАСИЯТЛАР

Албатта, бу ҳақида бежиз сўз очмадик. Гап шундаки, бу дунёда ҳар бир одам умри поёнига етгач, фарзандлари, умуман айтганда, ортида қолаётган яқинларига васиятнома қолдиради. Бу дунё аҳли ўртасида аллақачон оддий ҳолга айланиб қолган. Бунинг ёмон томони йўқ. Нега деганда, биргина ана шу васиятнома, яъни марҳумнинг бу дунёдаги сўнгги хоҳиш-иродаси туфайли кўпгина можаролар, айтайлик, мерос талашиш каби масалалар тинчгина бартараф этилади.

Албатта, васиятноманинг ҳажми ҳеч ким томонидан чеклаб қўйилмаган. Яъни инсон ўзининг сўнгги хоҳиш-иродасини истаганча баён қилиб, қоғозга тушириши мумкин. Шу боис ҳам, тарихда бир-биридан ғаройиб васиятномалар кўплаб учрайди.

Масалан, дунёда энг узун васиятнома ўз вақтида АҚШ давлатига асос солган президент Томас Жефферсон томонидан ёзиб қолдирилган. У ўз васиятномасида бутун АҚШни ўз халқига мерос қилиб қолдиришини баён этган. Бироқ у бу меросни олиш учун битта шарт қўяди. Яъни мамлакат халқи ўз қўл остидаги қулларга озодлик бериши керак. Шундагина улар бу меросга эгалик қилиши мумкин.

Албатта, инсонпарварлик нуқтаи назаридан катта аҳамиятга эга бўлган бу васиятнома аста-секин бўлса-да, ҳаётда ўз ифодасини топди.

Бироқ бунга қарамай дунёда ким учун ғоятда қайғули, ҳаётида бир умр ўчмас из қолдирадиган васиятномалар ҳам учрайди. Масалан, ўрта асрда бир фермер ўзининг ўлимидан олдин хотинига бор-йўғи 100 ливр бериш ҳақида васият қилди. Бунинг устига фермер фақат шу билан чекланмай, васиятномасида яна агар ўзининг ўлимидан сўнг хотини турмушга чиқса, 100 ливр қўшиб беришни уқтиради. У ўзининг бундай қарорга келишини хотинига эрлик қиладиган шўрликка бу маблағ ҳарна асқотиб қолиши билан изоҳлайди. Афсуски, ўша даврда оилавий ажралишга ҳам, эри ўлган бева аёлнинг бошқа кишига турмушга чиқишга ҳам рухсат берилмасди...

Васиятнома ҳақида гап кетганда, барча даврда ҳам энг тарихий аҳамиятга эга васиятнома машҳур ёзувчи Вильям Шексперга тегишли экани эътироф этилади. Аслида ҳам шундай. Айтишларича, машҳур ёзувчи табиатан бироз худбин бўлган. Шу боис ҳам у ўлими олдидан ўзига тегишли бўлган барча буюмларни — уйдаги жиҳозлардан тортиб, оёқ кийимигача — барча-барчасини битта-битта хатлаб, васиятномага қайд этган. Кейинчалик тарихчилар ёзувчи қолдирган бу васиятнома ҳақида фикр билдириб, истеҳзо аралаш шундай дейишган: *«Бу васиятнома Вильям Шекспернинг ҳақиқатан ҳам, бу дунёда яшаб ўтганини исботлайдиган ягона ҳужжатдир...»*

Латифанома бу воқеа ўз йўлига. Бироқ тарихда лондонлик банк ходимининг васиятномаси энг қисқа васиятнома сифатида эътироф этилади. Унинг тушкун бир кайфиятда битилган васиятномаси бор-йўғи бир неча сўздан иборат бўлган: **“Мен бутунлай куйиб бўлганман”.**

Бу қисқагина эътирофда банк ходимининг бу кечган ҳаётини тасаввур этиш қийин эмас...

Бу дунёда ҳамманинг ҳам ҳаёти бир текисда равон кечмайди. Ҳар ким пешонасида битилганини кўради. Буни тушуниш мумкин. Аммо ҳаётда кўрган алам ва хўрликни охир-оқибат васиятномада битиб кетган кимсалар ҳам йўқ эмас. Масалан, марселлик бир этикдўз айни шундай йўл тутган. Аниқроқ айтганда, у қолдирган васиятномадаги 123 та сўзнинг 94 тасини киши ҳатто ёлғиз қолганда тилга олишга уялади.

Бу нимани англатади? Умр бўйи юрагида йиғилган алам ва хўрликни ошкор этишми ёки дунёдан қасос олишнинг бир йўлими?

Буни қандай изоҳлаш ҳар кимнинг ўзига ҳавола. Аммо этикдўз қолдирган васиятнома тарихда энг ҳақоратомуз битик сифатида жой олган.

Машҳур физик олим Нильса Боранинг ёрдамчиси томонидан қолдирилган васиятнома эса ўзининг жумбоқлиги билан киши эътиборини тортади. Аниқроқ айтганда, бу васиятнома махсус ва қийин фразеологик ибора асосида ёзилганки, уни оддий одам ўқиганда дафъатан ҳеч нарсани тушунолмайди. Шу боис ҳам, Нильса Боранинг ёрдамчиси ҳаётдан кўз юмгач, унинг васиятномаси махсус мутахассислар ёрдамида ўқилган.

Ҳеч кимга сир эмаски, васиятнома битишдан кўзлаган мақсад киши ўзининг мол-мулкини кимгадир мерос сифатида қолдиришдир. Бунинг устига ҳар ким бисотида борини қолдиради: кимдир оз, кимдир кўп. Аммо Генри Форднинг номи эса энг кўп маблағ мерос қолдирган киши сифатида тарихдан жой олган. Яъни у 500 миллион АҚШ долларини 4157 та ўқув юрти ва саховат уйларига беришни васият қилган. Генри Форднинг ўлимидан сўнг унинг сўнгги истаги тўлиқ адо этилган.

Васиятномалар тарихи ҳақида фикр юритганда, табиийки, Альфред Нобель номини тилга олмай ўтиш мумкин эмас. Чунки А.Нобель қолдирган васиятнома тарихда энг машҳур васиятномалардан бири саналади. Иккинчи томондан, бу васиятнома А.Нобельнинг қариндошлари орасида ҳам жиддий можаро келтириб чиқарган. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки у ўз бойлигининг 30 миллион кронини ўлимидан сўнг Альфред Нобель мукофотини ташкил этишга сарфлаш, қариндошларига ярим миллион крон қолдириш ҳақида васият қилади. Қариндошларнинг назарида, Нобель худди ўз бойлигини кўрабила туриб, елга совургандек туюлади. Шунинг учун улар А.Нобель қолдирган васиятномани бекор қилишга жон-жаҳдлари билан ҳаракат қилишади. Бироқ бундан ҳеч қандай натижа чиқмайди. Марҳумнинг сўнгги истаги ўз кучида қолади.

Аммо бу можароларга қарамай ўшанда А.Нобель нечоғлик узоқни кўра олганини кейинчалик ҳаётнинг ўзи тўлиқ исботлади. Чунки бугунги кунда Нобель мукофоти дунёдаги энг нуфузли мукофот эканининг ўзи бор ҳақиқатни айтиб турибди. Бунга ортиқча изоҳ шарт эмас.

Бошқа бир миллиардер Мишель Ротшильднинг номи эса энг сирли васиятнома қолдирган инсон сифатида эътироф этилади. Жумладан, у қолдирган васиятномада шундай жумлалар қайд этилган: **“Ўлимимдан сўнг менинг бойлигимни хатлаш, ошкор қилиш ва бунга суд орқали аралашишига мутлақо йўл қўйилмасин!..”**

Албатта, марҳумнинг сўнгги истагини бузишга бугунги кунга қадар ҳеч кимнинг ҳадди сиққани йўқ. Шу боис ҳам, Мишель Ротшильднинг бойлиги аслида қанча миқдорни ташкил этишини ҳеч ким билмайди.

Агар олис тарихга назар ташласангиз, муқаддас саналган васиятномадан ҳам кимдир ўч, алам олиш воситаси сифатида фойдаланганини кўриш мумкин. Масалан, кинопродюссер Рожер Доркас ўз вақтида жуда катта бойликка эга киши сифатида ҳам довруқ қозонган.

Бироқ унинг оилавий масалада ҳеч қачон омади чопмайди. Аниқроқ айтганда, унинг умрини охиригача хотини билан муносабати ниҳоятда зиддиятли кечади. Шу боис ҳам, унинг кўнглида хотинига нисбатан оғир алам сўнгги нафасигача сақланиб қолади. Айниқса, у хотинини нечоғлик ёмон кўриши ўлимидан сўнг янада аниқ бўлди. Хўш, бунга унинг ўлимини қандай алоқаси бор дейсизми?

Гап шундаки, Рожер Доркас ўлимидан олдин ёзган васиятномасида 65 миллион АҚШ долларини «Максимилиан» деган итига, хотинига эса бор-йўғи 1 цент қолдиришини баён этади. Буни қарангки, у ана шу васиятномани ёзиш учун узоқ вақт жиддий тайёргарлик кўради. Яъни у ҳали ҳаёт пайтида ити номига худди инсон каби барча ҳужжатларни расмийлаштириб қўяди. Табиийки, бу воқеа ўз вақтида катта шов-шувга сабаб бўлади. Бироқ Рожер Доркас ишни шунчалик пухта амалга ошириб кетгандики, суд ҳам бу васиятномани ҳақиқий деб тан олмасдан бошқа иложи қолмайди.

Шу ўринда сиз ҳам эри бир итчалик ҳурмат қилмаган аёлга ачинаётган бўлишингиз табиий. Аслида ҳам шундай. Лекин жабрдийда аёл ҳам қараб тургани йўқ. Аксинча, у эрининг ўлимидан сўнг шундай йўл тутдики, кўз очиб юмгунча барча бойликка ўзи эга бўлди. Яъни аёл эри дунёдан ўтгач, ўйлаб ҳам ўтирмай миллонер итга турмушга чиқди. Табиийки, аёлнинг ўзи бош-қош бўлиб, улар расмий никоҳдан ўтишди. Шундан сўнг кўп ўтмай ўз ажали биланми ёки бошқа сабабданми ит ҳам эгаси Рожер Доркаснинг ортидан нариги дунёга равона бўлди. Қарабсизки, аёлнинг ўзи ягона меросхўр сифатида барча бойликни қўлга киритди.

Дунёнинг ишлари ана шундай ғаройиб.

Шерзод БАҲРОНОВ
тайёрлади.

Nadomat

Инсон ҳаёти мобайнида қилган ишларини сарҳисоб этадиган паллада ўзининг бажарган амаллари, гуноҳию савоб ишларини кўз олдидан бирма-бир ўтказади. Ана шундай дамларда айрим кимсалар гуноҳ ишларини беиҳоя кўп қилганидан афсусланиши мумкин, аммо унда кеч бўлади. Гуноҳ ишларнинг тури эса кўп ва хилма-хил. Кимдир учун у кичкина ёки арзимасдек туюлса-да, барибир унга қўл урганларга гуноҳкор дея тамға босилади. Ўғирлик азал-азалдан энг катта гуноҳлардан бири саналиб келинган.

УМР ЗАВОЛИ

Мансур кечки пайт ҳамма ишларни бажариб бўлгач, подага қўшилган сигирларни уйга ҳайдаб келиш учун кўчага чиқди. Одатда, ола сигир олдинда, унинг ортидан тарғил сигир эргашиб келар эди. Бироқ ўша куни ола сигирнинг бир ўзи келаётганини кўриб, Мансур ҳайрон бўлди. “Қани, бироз кутайчи, балки келиб қолар”, дея яна кутди. Аммо сигирдан дарак бўлмади. Эртаси куни ҳам Мансурнинг қариндошлари сигирни излаб топишолмагач, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идорага мурожаат этишди.

Бир хил жиноятнинг иккинчи марта такрорлангани ички ишлар бўлими ходимлари ҳушёр торттирди. Чунки бундан икки ҳафта бурун ҳам бузоқли сигирнинг ўғирлаб кетилгани ҳақида ариза тушган эди. Шу орада ички ишлар идорасига Зафар Пардаев деган фуқаро тўрт бош қўй ва икки бош эчкиси йўқолганини, уларни ўғирлаган кишини кўрганлар борлигини ва ундан зарарни ундириб беришни сўраб мурожаат этди. Шу асосда ушбу жиноятларни содир этган Қамаши туманида яшовчи Рашид Маҳмараҳимов қўлга олинди. Суриштирув- тергов чоғида у ўзига қўйилган барча айбни тан олиш билан бирга қилган ишидан пушаймон эканини ҳам билдирди.

Рашид Махмараҳимов тўрт нафар фарзандининг отаси бўлса-да, бирор-бир тайинли ишнинг бошини тутмаган. 40 ёшни ортда қолдирган бу кимса агар ўтган умрини сарҳисоб қилиб кўрса, ҳаётининг асосий қисмини турли ҳуқуқ-тартибот идоралари томонидан белгиланган жазоларни ўташга сарфлаганига амин бўлади. У гарчи бир неча марта жазога ҳукм қилинган бўлса-да, бундан ўзига тегишли хулоса чиқариб олмади.

Суд Рашид Маҳмараҳимовнинг қилмишига яраша жазо тайинлади. Жабрланувчиларга судланувчидан етказилган зарар ундириб берилди.

Донишмандлардан бири “яхшилик қилиш қўлингдан келмаса, ёмонлик ҳам қилишга уринма, бу ҳам сенинг ўзгаларга яхшилик қилганингдир”, деб айтган экан. Шу маънода, ёмонлик қилиб ўз умрини завол қилгандан кўра, ўзгалар кўнглига озор бермасдан, осуда яшамоқлик ҳам катта иш ҳисобланади. Бу оддий ҳақиқатни ҳеч ким унутмаслиги лозим.

Бахтиёр ШЕРАЛИЕВ,
ҳуқуқшунос
Ҳидоят ЖЎРАЕВА.
“Инсон ва қонун” мухбири



Бир ўлкаки,
тупроғида олтин гуллайди...

Mitti maslahat

ҚИМОРНИНГ ҲУҚУҚИЙ ОҚИБАТИ

Ҳаётда оқибати яхшиликка олиб бормайдиган қиморбозликка берилган кишилар ҳам йўқ эмас. Ҳолбуки, қимор ўйнаш нафақат хавфли иллат, балки оғир гуноҳ ҳам ҳисобланади. Қимор ўйнаш шариатда ҳам ҳаром саналади.

Мамлакатимиз қонунчилигида ҳам қимор ўйнаш учун тегишли жавобгарлик белгиланган. Хусусан, “Маъмурий жавобгарлик тўғрисида”ги кодекснинг 191-моддасида пул, ашё ва бошқа хил қимматбаҳо нарсаларни тикиб, қимор ўйнашга қимор ўйини буюмлари, шунингдек, ўйинга тикилган пуллар, ашёлар ва бошқа қимматбаҳо буюмларни мусодара қилиб ёки мусодара қилмай, энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солиш жазоси назарда тутилган.

Бундан ташқари, қиморбозликнинг маънавий жиҳатларини ҳам унутмаслик зарур. Чунки қимор ўйнаш оқибатида айрим одамларда текинхўрликка мойиллик кучаяди. Бу эса оилавий жанжаллар ва ахлоқ меъёрларининг бузилишига сабаб бўлади. Шунинг учун қиморбозлик иллатига қарши курашиш ҳар бир фуқаронинг бурчи ҳисобланади.

Улуғбек КАМОЛОВ

Jinoyatga jazo muqarrar

ҲАРОМ ЛУҚМА

ёки 238-сонли кимёвий экспертиза хулосасининг ҳақиқий эканлиги хусусида

Ҳаётда ҳар бир қилмишга яраша жазо мавжуд. Бухоро Давлат тиббиёт институти стоматология факультетида ўн икки йилдан буён декан лавозимида ишлаб келган Йўлдош Юнусовга ҳам суд ҳукми билан қонуний жазо тайинланди.

— Сен кўп дарс қолдиргансан. Мен қишки сессияда ҳам сенга ёрдам қилган эдим. Буни тушунмадинг. Энди отангни чақиртир. У билан гаплашиб олишим керак. Йўқса, талабалар сафидан четлаштириласан, — деди декан тўртинчи курс талабаси Шерзод Юсуповга ўтган йили май ойининг бошларида.

— Домла, шу гаплар отамга етиб бормасин. Ўзимиз бир ёқлик қилайлик, — дея ялинганнамо сўзлади Шерзод.

— Гап битта, вассалом, — деди декан.

Шерзод ноилож 10 май куни Хоразмда яшовчи отасига қўнғироқ қилди. Бухорога келишини, деканнинг гапи борлигини айтди. Ота-ота да. Фарзандим бирон ножўя иш қилиб қўйганмикан, деб ўйлаб, 23 май куни қадим шаҳарга келди. Отабола ўша куниёқ Йўлдош Юнусовнинг уйига келишди.

— Шерзод учун олдинги имтиҳонларда 60.000 сўм сарфлаган экансиз. Бу ёғини ҳам тўғирлаш учун яна қанча олиб келай, — деди салом-аликдан сўнг Муҳаммад Юсупов.

— Ўғлингизни институт талабалари сафидан ўчириш тўғрисидаги буйруқ тайёр. Аммо...

— Домла, ўғлимни ноумид қилмайлик. Тўрт йил оз муддат эмас. Ёрдам қилинг. Хизматингизга тайёрмиз. Ўқитиб, тарбиялаяпсиз. Минг-дан минг раҳмат.

— Эртага институтга 200.000 сўм олиб келинг. Ўша ерда гаплашамиз, — деди гапни калта қилди декан. — Бу гапни фақат мен билай, сиз билинг.

Муҳаммад Юсупов 24 май куни декан билан учрашиб, пулни бир-икки кун ичида етказишини айтди. 26 май, ҳафтанинг чоршанба куни. Соат 11 лар. Факультет декани хизмат хонасида эди.

— Айтганингизни олиб келдим, домла, — деди Муҳаммад Юсупов чеҳраси очилиб, ҳушнуд кутиб олган деканга. — Мана икки юз минг сўм. У тўрт боғламлик 500 сўмлик купюраларни домланинг қўлига тутқазмоқчи бўлди. Бироқ декан имо-ишора билан пулни газета устига қўйишни кўрсатди. Сўнг купюраларни газатага ўраб, шкаф орқасида турган аҳлат солинган оқ рангли целофан пакетга ташлади.

— Шерзоджоннинг ўқишида бирор муаммо туғилиб қолса, менга учрашсин, — деди қиёфасида табассум порлаб турган Йўлдош Юнусов. — Кўнглингиз тинч бўлсин. Институтда ўғлимнинг суянчиғи бор, деб ўйлайверинг...

Муҳаммад Юсупов декан хонасидан хайр-хушлашиб чиқиб кетгач, негадир домланинг кўнглига ғулғула тушди. Авзойи бузилди. 100.000 сўм пулни қора рангли пакетга солиб, кўшни декан ўринбосарлари хонасига кирди. Улар йўқликларидан фойдаланиб, пулни шкаф ичидаги кўк рангли қути ичига қўйди. Қолган 100.000 сўм пулни чаққон ҳаракатлар билан шу хонада жойлашган ҳожатхонага ташлаб юборди. Хиёл фурсат ўтиб, қути ичидаги пулни ҳам ҳожатхонага ташлаш учун декан ўринбосарлари хонасига кирганида, бу ерда бир неча киши бор эди. Домла кечикканидан пушаймон бўлди.

У хизмат хонасига кириб, энди ўтиришга чоғланаётганда тегишли идора ходимлари деканга ўзларини таништиришди...

— Муҳаммад Юсупов хизмат хонамга кириб, пулни бераётганида, қўлим билан уни туртиб юбордим. Қўлимдаги доғлар шундан қолган бўлиши мумкин. Пулни олиб кетишини айтдим. Контракт пулини тўланг, дедим, — дея Йўлдош Юнусов суд тергови чоғида ёлғон кўрсатма берди.

Лекин жиноят ишида мавжуд 238-сонли кимёвий экспертиза хулосасидан текширишга юборилганда, Йўлдош Юнусовнинг ҳар иккала қўли бармоқларида кимёвий моддалар кукунларининг қолдиқлари борлиги исботланган.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг **“Олий ўқув юртларида ўқув ва меҳнат интизомини мустаҳкамлаш тўғрисида”**ги 1999 йил 29 марта кунидаги 99-сонли буйруғида 12 соатдан ортиқ сабабсиз дарс қолдирган талабаларга ҳайфсан эълон қилиниши ва курс бўйича кенг муҳокама этилиши қайд этилган. Мазкур буйруқнинг 1.4-бандида 30 соатдан ортиқ дарс қолдирган талабаларга нисбатан кескин чоралар кўрилсин ва талабалар сафидан четлаштирилсин, деб кўрсатилган. Талаба Шерзод Юсупов 8 та фандан 152 соат дарс қолдирган.

Ўз-ўзидан табиий савол туғилади: нега Йўлдош Юнусов факультет декани бўла туриб, буйруқ талабларига амал қилмаган? Нега талабанинг узрли сабабларсиз дарсга қатнашмагани ҳақида ёзма равишда ўқув ишлари бўйича проректор ёки ректорга мурожаат қилмаган? Кўриниб турибдики, мазкур ҳолат замирида коса тагида нимкоса, деганларидек, шахсий манфаат ётибди.

Домла дуппа-дуруст обрў-эътиборга эга эди. Нафс васвасасига учиб, унинг нуфузли илм даргоҳи, маҳалла, қариндош-уруғлар орасида боши эгилди. Амалидан айрилгани-ку аниқ. Оила, фарзандларининг ор-номусичи?!

Қизиқ, баликка мўл-кўл озуқа бўлса-да, у бунга қаноат қилмай, баландроқдан емиш излайди. Нафсга шу қадар берилиб кетадики, ҳатто қармоққа ўралган чувалчангни ютиб юбормоқчи бўлади. Оқибат эса...

Юртбошимиз таъбири билан айтганда **таъмагирлик, тўрачилик, пораҳўрлик, кибру-ҳаво, коррупция ниҳоятда юқумли ва хавфли касалликдир. Бу иллат, аввало, шу касалга мубтало бўлган одамнинг ўзини еб, ишдан чиқаради. Унинг иймонини, охиратини хонавайрон қилади.**

Бунга баён этилган воқеа яққол мисолдир.

Саид ВОҲИДОВ,
ҳуқуқшунос
Валижон ЮСУПОВ,
“Инсон ва қонун” мухбири

ИНСОН ва ҚОНУН

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

1996 йилнинг январидан нашр этилади

2003 йил 29 декабрда Ўзбекистон Матбуот ва Ахборот агентлигида 078-рақам билан рўйхатга олинган

Бош муҳаррир: Шодикул ҲАМРОЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Бўритош МУСТАФОЕВ, Ихтиёр АБДУЛЛАЕВ, Пўлат САМАТОВ, Мавжуда РАЖАБОВА, Хуршид СОДИҚОВ, Сайфиддин РАҲИМОВ, Маҳмуд САТТОРОВ, Ислом ҲАМРО, Ҳолли НОРБОЙ, Нормейли НОРПЎЛАТОВ

Таҳририятга юборилган қўлёзмалар эгаларига қайтарилмайди ва уларга ёзма жавоб берилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

Факт ва далиллар тўғрилиги учун масъулият муаллифлар зиммасидадир.

Саҳифаловчи-дизайнер: Жаъфар ЖАББОРОВ

Навбатчи: Бобомурод РАЙИМОВ

Индекс: 646882

«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-315. Тиражи — 6501. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди —

МАНЗИЛИМИЗ: 700047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5. Тел: 133-70-65, 133-84-50

1 2 3 4 5